



Суратларда: Вазирлар Маҳкамасидаги мажлис пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ ва Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 24 декабрь, пайшанба • № 153-154 (24.391).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Юксак масъулият – ислоҳотлар муваффақияти гарови

23 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасида ислоҳотлар самарасини ошириш борасида маҳаллий ҳокимият идоралари масъулиятини кучайтириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бўйича академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилишини жадаллаштириш масалаларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, вазирлик, қўмита, компания, идора ва ташкилотлар раҳбарлари қатнашди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда шаклланган макроиқтисодий барқарорликнинг янада мустаҳкамланиши якунланаётган йилнинг энг катта ютуғи эканлигини таъкидлади. Шу билан бирга, жаҳон, хусусан, Осиё мамлакатларидаги молиявий инқироз бизнинг иқтисодиётимизга ҳам нисбатан бўлса-да салбий таъсир кўрсатди.

Йўлбошчимиз бу ҳол ислоҳотларни амалга ошириш, корхона ва хўжаликлар иқтисодий мустаҳкамлигини таъминлаш, пировардида аҳоли турмуш даражасини юксалтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизда муайян муаммолар келтириб чиқарганлигини қайд этди. Уларни ҳал этиш, оддий меҳнаткашларга елкадош бўлиб, уларнинг оғирини енгил қилиш, аввалambор маҳаллий ҳокимият идораларининг вазифаси эканлигини алоҳида уқтирди.

Республикамиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Улар кўп жиҳатдан ширкат хўжалиги, мулкий пай, оила пудратини изчил жорий қилиш билан боғлиқ. Ислом Каримов уларнинг муваффақияти учун аввалambор жойлардаги каттаю кичик раҳбарлар ислоҳотларнинг моҳиятини ўзлари аниқ тушуниб етишлари лозимлигини айтиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, юртимиз келажаги, иқтисодий ва маънавий тараққиёти баркамол авлод, замонавий билимларга эга ёшлар қўлидадир. Бу борада Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини изчил амалга ошириш, чунончи, моҳиятан янги ўқув муассасалари — академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Йўлбошчимиз ҳар бир туманда замонавий талабларга жавоб берадиган шундай билим даргоҳлари бўлиши зарурлигини алоҳида қайд этди.

— Болаларимиз ва набираларимиз биздан кўра билимли, кучли, ақлли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт, — деди пировардида Президент Ислом Каримов.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан қишлоқ ва сув хўжалиги вазири И. Бобожонов, Сирдарё вилояти ҳокими Ў. Исмоилов, олий ва ўрта-махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Республика ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими маркази раҳбари Р. Жўраев, Фарғона вилояти Қиргули туманидаги касб-ҳунар коллежи директори О. Отақулов ва бошқалар сўзга чиқди.

Мажлисда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

(ЎзА)

Ислом КАРИМОВ:
Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!

Президент Ислом Каримовнинг вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашувда сўзлаган нутқи

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

1998 йил ҳам охирлаб бормоқда. Агар ўтиб бораётган йил якунлари тўғрисида гапирадиган бўлсак, биз, аввало, жорий йилда қўлга киритган ижобий натижаларимизга ҳаққоний баҳо бериб, шу билан бирга биз мавжуд муаммоларга, йўл қўйилган нуқсонларга танқидий ва холисона баҳо беришимиз зарур.

Йил якунларидан ўзимиз учун сабоқ ва тегишли хулосалар чиқариб олишимиз даркор. Ислоҳотлар йўлидан олға боришимизга нималар тўсиқ бўлаётганини билиб-англаб, қайси масалалар ва муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш, қайси йўналишларга алоҳида куч ва ресурслар сарфлаш лозимлигини аниқ-равшан белгилаб олишимиз керак.

Иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш юзасидан қўлга киритилган ютуқларимиз ҳақида гапирар эканмиз, назаримда, **йилнинг энг муҳим натижаси — бу шаклланган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликнинг янада мустаҳкамланиши бўлди.**

Ўзбекистон иқтисодий барқарорлашувдан мустаҳкам иқтисодий ривожланишга ўтиш сиёсатини изчил амалга оширмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ўтаётган йил якунида ялпи ички маҳсулот 4,4 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми — 5,8 фоизга, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти — 4,8 фоизга, чакана товар айланиши — 12 фоизга, пулли хизмат кўрсатиш ҳажми эса 9,5 фоизга ошган. Шу тариқа умуман иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларида иқтисодий ўсиш тамойилини яққол кўриш мумкин.

1998 йилда ҳам, аввалги йилларда бўлганидек, қатъий молия-кредит сиёсати амалга оширилди. Натижада инфляция даражасининг пасайишига эришилди. Жорий йилда инфляция даражаси 22 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Биз нақд пул эмиссиясини қисқартиришга, давлат бюджетини ялпи ички маҳсулотга нисбатан белгиланган 3,2 фоиз эмас, балки 3 фоиз камомад билан бажаришга эришдик.

Жорий йилда мамлакатимизнинг ёқилғи ва ғалла мустақиллигига эришиш сиёсати изчил амалга оширилди. Бу йил нефть ва газ конденсати, кўмир қазиб чиқариш ҳажмлари ўтган йилдагига нисбатан ошди.

Миришкор деҳқонларимиз бу йил 4,6 миллион тонна ғалла ҳосили етиштирдилар. Бу 1997 йилдагига қараганда қарийб 850 минг тонна кўп демакдир.

Инвестицион фаолият соҳасида ҳам муҳим ютуқлар қўлга киритилди. 1998 йилда 440 миллиард сўмлик капитал маблағларни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Диққатга сазовор жойи шундаки, бу рақам ўтган йилга таққослаганда 20 фоизга кўпдир. Қурилиш-пудрат ишларининг ҳажми 5,1 фоизга ортди.

Капитал маблағлар таркибининг ўзида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди — **хорижий инвестициялар ҳиссаси 27,3 фоизга қадар ошди.** Жами капитал маблағларнинг 60 фоиздан ортиғи ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланди.

Натижада чет эл сармояси иштирокида:

— Шўртан газ-кимё мажмуини қуриш;

— Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини реконструкция қилиш;

— Хўжаободдаги ер ости газ омборини;

— Ангрендаги каолин заводининг биринчи навбатини;

— Қўнғирот сода заводини;

— «СамКўчавто», «Папфен», «Косонсой-Текмен» каби қўшма корхоналарни;

— Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Урганч шаҳарларида аэропортларни қуриш ишлари давом эттирилди.

Шунингдек, телекоммуникация тармоқларини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилди, Фарғонадаги «Кимёвий тола» ишлаб чиқариш бирлашмасида полиамид-6 ишлаб чиқарадиган линия ишга туширилди, Асака-Хўжаобод газ қувури фойдаланишга топширилди, Қизилқум фосфорит заводининг 1-навбати ишлай бошлади.

Кейинги йилларда эришилган бу каби ижобий ютуқлар иқтисодиётимизнинг пойдеворини янада мустаҳкамлади. Бунинг натижаси ўлароқ, энди биз вужудга келган иқтисодий

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

У. Ч. Худойқуловни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 9-банди ва «Ўзбекистон Республикаси Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ:

Усмон Чинозович Худойқулов Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ***И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Б. Мустафоевни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Бўритош Мустафоев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ***И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 декабрь.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн учинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 24 декабрь куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 24 декабрь куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Бу дунёнинг ишлари

Ҳарбий ҳамкорлик ҳақидаги келишув қораланди

Озарбойжон ташқи ишлар вазири Тофиқ Зулфиқоров Москвага икки кунлик ташрифи давомида Россиядаги расмий доиралар билан, шунингдек ташқи ишлар вазири Игорь Иванов билан учрашади. Ўтган шанба куни Озарбойжон ҳукумати Россия билан Арманистон ўртасида ҳарбий ҳамкорлик ҳақидаги келишувга имзо чекилганлигини кескин танқид қилган эди. Бу хавфсизликка жиддий хавф туғдиради, дейилганди. Келишувга биноан, Арманистон МИГ-29 русумли ҳарбий самолётлар ва С-300 зенит тизимларини сотиб олмоқчи. Ушбу келишувни Россия ҳарбий ҳаво кучлари бош қўмандони Анатолий Корнуков Ереванга ташрифи давомида имзолаган эди. Бир йўла Россиянинг Арманистондаги ҳарбий базаси ҳам кенгайтирилади. Шу боис ҳам Боку Москвадан Озарбойжон билан Арманистон ўртасидаги Тоғли Қорабоғ можароси бартараф этилмагунча Арманистон билан ҳарбий ҳамкорлик қилмасликни сўради.

Жанубдаги ҳамкорлик йўлида

Евгений Примаковнинг Деҳлида Россия, Ҳиндистон ва Хитой учбурчагини ташкил этиш ҳақидаги баёноти Москванинг расмий таклифи эмас, деди Россия ташқи ишлар вазирлиги вакили Владимир Рахманин. Гарчи Россия, Ҳиндистон ва Хитойнинг ҳамкорлиги минтақадаги ва бутун дунёдаги вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилсада, лекин бу учбурчак ҳақидаги баёнот расмий таклиф эмас. Уч томонлама иқтисодий ҳамкорликнинг эса яхши самара бериши кутилмоқда, деди Рахманин.

Амнистия ҳақидаги қонун

Литва сейми «Қисман амнистия ҳақида»ги қонунни қабул қилди. Ушбу ҳужжатга кўра 2 мингдан зиёд маҳкумларнинг жазо муддати қисқартирилади. Бу жазо муддатини ўтаётганларнинг бешдан бир қисмини ташкил этади. Амнистияга кўра 65 ёшдан ошган аёллар ва эркаклар, 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари ва ўсмирлар озод этилади. Эҳтиётсизлик билан жиноят қилиб қўйганларнинг муддати ҳам тенг ярмига қисқаради.

Пулни қайтаришмоқчи

Қўшма Штатлар Покистонга «Ф-16» қирувчи самолётларини вақтида етказиб бермаганликлари учун 467 миллион доллар пулни қайтариб беришмоқчи. Исломобод ушбу маблағни 1989 йилдаёқ ўтказиб қўйганди. Бироқ, Покистон ўзининг ядро режаларини амалга ошириши муносабати билан АҚШ ушбу давлатга ҳарбий ва инсонпарварлик ёрдамини тўхтатиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Шу боис, 28 та қирувчи самолётни ушбу мамлакатга етказиб бермаганди. Покистон учун мўлжалланган жанговар самолётларни энди Янги Зеландия сотиб олиши ёки ижарага олиши мумкин.

Будда ҳарамини эгаллашди

Жанубий Корея полициясининг махсус бўлинмалари тезкор жанглар натижасида мамлакатдаги энг муҳим будда ҳарамларидан бирини эгаллаб олишди. У ердан юзлаб талмовсираган монахларни қувиб чиқаришди. Бинобарин улар бир ой давомида баррикадалар ортига бекиниб олиб ҳарамни қўриқлашган эди. Монахлар полицияга қарши ёнилғи солинган шишаларни отишарди. Бунда айрим полициячилар яралар бўлишди. Ушбу операцияда минглаб полициячи иштирок этди. Жанубий Кореянинг будда жамғармасига қарашли миллионлаб доллар маблағни айлантирганлиги учун Чогье ҳарамидан монахлар қувиб чиқарилди.

ХДП хабари

Депутатларга тавсиялар берилди

22 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIII сессиясининг кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар ва ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан МК Сиёсий ижроия қўмитасининг умумий нуқтаи назари ишлаб чиқилди ҳамда уни сессияда ифода этиш партиянинг мамлакат парламентидаги фракцияси аъзоларига тавсия қилинди.

Шунингдек, мажлисда «Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг Аёллар йили тадбирларида иштироки тўғрисида», «Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика ва Бухоро вилоят ташкилотларининг партия Марказий Кенгаши XVIII пленуми қарорларини бажариш юзасидан фаолиятлари тўғрисида», «Ўзбекистон ХДП Фарғона шаҳар, Қибрай, Мирзо Улуғбек туманлари ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгашлари ҳузурларида ёшлар клубларини тузиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича олиб борилган ишлар натижалари ҳақида»ги ва партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIX пленумини 1999 йил февраль ойида чақиришга қарор қилди.

Ислоҳотларнинг қонуний кафолати

Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси Абдулҳафиз Жалоловнинг фракция йиғилишидаги (1998 йил 22 декабрь) маърузаси

Фракциямизнинг бугунги йиғилиши бунёдкор халқимиз ўз йўлбошчиси — Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳнамолигида туб ислоҳотларни амалга оширишнинг яна бир халқаси — 1998 йилнинг якунланаётган бир пайтда бўлиб ўтмоқда. Ортда қолган давр ичида қилинган ишлар таҳлили ҳали олдинда. Бироқ, ҳозирнинг ўзида унинг давомида кенг кўламли ва кенг қамровли ишлар изчил олиб борилганлиги, мавжуд қийинчиликларга қарамай, уларнинг самарали бўлаётганлиги тўғрисида ҳеч иккиланмай айтиш мумкин.

Ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 ва жаҳон фанига улкан ҳисса қўшган аллома — Аҳмад ал-Фарғоний туғилган сананинг 1200 йиллигларининг умумхалқ байрами сифатида нишонланганлиги жорий йилга алоҳида файзу тароват ато этди. Ушбу йил давлатимизнинг муҳим таянчи — оилаларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларни миллий анъаналаримиз негизида равнақ топтиришга алоҳида эътибор берилганлиги билан ҳам ажралиб туради.

Бироқ, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий ва Тошкент вилоятлари халқ депутатлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессиялари ҳамда юртбошимизнинг улардаги нутқлари ишларимизда, талай ютуқлар билан бир қаторда, жиддий хато ва камчиликлар ҳам борлигини кўрсатди. Айниқса, раҳбар кадрлар фаолиятида мавжуд — ислоҳотлар бориши тўғрисида қайғурмаслик, оддий инсонларга нисбатан беписандлик, мансабни суиистеъмол қилиш, қонунни поймол этиш каби иллатлар ҳамда нуфузли давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари, депутатларимизнинг, аксарият ҳолларда, сукут сақлаб тураётганлиги ишнинг белига тепмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг танқидий фикрлари ва самимий даъватларидан тегишли хулосалар чиқариб, камчиликларни бартараф

(Давоми 3-бетда)

Сўз — депутатларга



— Сессиялари ўйларингиз?

Дилбар ЖИҲОНГИРОВА,
Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари раиси:

— Ўзгаришлар даврида яшаяпмиз. Уюшмалар фаолияти янгича йўналишда ташкил этиляпти. Нодавлат ташкилотлар фаолиятини изга солиш, аҳоли турмуш маданиятини оширишда уларнинг ўрнини белгилаш, ролини ошириш керак.

Олий Мажлиснинг XIII сессиясида кўриладиган қатор масалалар бевосита касаба уюшмалари фаолиятига дахлдордир. Шунданам, катта умидлар билан қарияпман.



— Аёллар йилидан нималар кутаяпсиз?

Ҳабиба УСМОНОВА,
Ўзбекистон тумани «Тагоб» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:

— Эзгуликлар кутаяпман. Биз эзгуликларни фақат кутибгина эмас, шунга баҳоли қудрат ҳаракат қиламиз, интиламиз. Аёл зотини она, оиланинг нури, жамиятнинг ҳаками, етакчи кучи деб биламан.

Эргаш ОТАМУРОДОВ,
Ургут тумани:

— Оила йили якунлари ҳақида сўзласангиз.

— Аёллар йилидан нималарни кутаяпсиз?

— Бу йил қишлоқ хўжалиги соҳасида вилоятимиз ва туманимизда ўзига хос бурилиш бўлди, дейиш мумкин. Айниқса, ғалладан юқори ҳосил кўтариб, туманимизда 65 центнердан ҳосил олдик.

«Аёллар йили»да ҳам туманимиз ҳамда Ҳамза номли агрофирма уюшмамизда ҳам кўтаринки кайфиятда меҳнат қиламиз. Сўзсиз аёлларимиз иззат-икромда бўлишади.



Ислом КАРИМОВ:

Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!

(Давоми. Боши 1-бетда)

вазиятни зудлик билан ечишга қаратилган қисқа муддатли йиллик дастурлар ўрнига, иқтисоднинг муҳим соҳаларини ислоҳ қилиш ва тармоқларнинг ўртача муддатга мўлжалланган ривожланиш режаларига асосланган, аниқ мақсадлар сари йўналтирилган дастурларга ўтиш имконига эга бўлдик. Бу — моҳият-эътиборига кўра, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги сиёсатимизда сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичдир.

Ўтиб бораётган йилнинг ўзидагина биз бир қатор ана шундай дастурларни қабул қилдик. Уларнинг айримларини сизларга эслатиб ўтмоқчиман. Бу дастурлар ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жамиятимиздаги барча ислоҳотлар тақдири уларнинг бажарилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Энг аввало, Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурини, Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурини, Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш дастурини, шунингдек, капитал қурилиш, коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш тизими, мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва газ билан таъминлашга қаратилган дастурларни айтиб ўтиш лозим. Давлат мулкини хусусийлаштиришда чет эл капиталини жалб қилиш юзасидан махсус дастур қабул қилинди.

Бундан ташқари, бир қанча тармоқ ва ҳудудий йўналишдаги дастурлар ҳам ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Мазкур дастурлар етакчи тармоқлар ва бутун бир минтақаларнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган.

Қабул қилинган дастурларни баҳолар эканмиз, улар бизнинг ислоҳотлар йўлидан барқарор ва жадал боришимизнинг кафолатидир, деган фикрга келишимиз мумкин.

Мен нимага асосланиб бундай хулоса чиқаряпман? Агар содда қилиб айтадиган бўлсак:

Биринчидан, биз бугун дунёда ва юртимизда юзага келган шарт-шароитга, маданий ва маънавий ҳаётимиздаги, иқтисодиётдаги ўзига хос ўзгаришларга аниқ ва холис баҳо бермоқдамиз. Энг асосийси, биз жамиятимизни қайта қуриш ва янгилаш борасида нималарга эришганимиз ва яна нималар қилишимиз зарурлиги ҳақида аниқ тасаввурга эгамиз.

Иккинчидан, биз олдимизга қўйган мақсадларимизни аниқ кўриб турибмиз ва бу мақсадлар сари собитқадамлик билан, оғишмай бормоқдамиз.

Учинчидан, биз ушбу мақсадларга ниманинг ҳисобидан, қайси имконият ва заҳиралар, қандай механизмлар ва услублар асосида етишишимиз мумкинлигини биламиз.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, биз бугун қандай аҳволда эканимизни, эртага нимага эришмоқчимиз ва, энг муҳими, ушбу мақсадларга қандай қилиб эришиш мумкинлигини биламиз.

Буларнинг барчаси бугунги мураккаб, яъни ўтиш даврининг ҳали ечилмаган ички муаммолари билан бир қаторда, ташқи салбий омиллар ҳам иқтисодиётимизга жиддий таъсир кўрсатаётган вазиятда ниҳоятда муҳимдир.

Гап нима ҳақида кетяпти?

Биринчидан, иқтисодиётимизнинг ҳолати ва самарадорлигига, бутун иқтисодий ислоҳотлар жараёнига дунё иқтисодиётида, Жанубий Шарқий Осиё, айниқса Россияда авжга чиққан, бутун дунё молия тизимини издан чиқариб фалаж қилган иқтисодий инқироз салбий таъсир қилмаслиги мумкин эмасди.

Очиқ эътироф этиш керак: эндиликда ана шу умумжаҳон молиявий инқирозининг оқибатлари бир неча йиллар давомида бизга ҳам сезилиб туради.

Иккинчидан. жаҳон бозорида хомашё ресурсларига, айниқса экспортимизнинг 60 фоизини ташкил қиладиган маҳсулотларга баҳо конъюктураси кескин пасайди. Энг аввало, бу жорий йилда жаҳон бозорида 25 фоиз пасайган пахта нархларига тегишлидир.

Кейинги беш йил мобайнида тилла баҳоси ҳам тушиб борди. Йил давомида 1 унция (31,2 грамм) тилла нархининг 300 доллардан ошмагани тарихда маълум бўлган чуқур иқтисодий зилзилалар давридан кейин биринчи марта содир бўлган ҳодисадир.

Ҳудди шундай вазият бизнинг экспортимиз асосини ташкил этувчи рангли металлар, нефть маҳсулотлари ва бошқа хомашёлар баҳоларида ҳам намоён бўлмоқда. Табиийки, бу валюта тушумига, тўлов балансларига, алоҳида тармоқлар ишлаб чиқариш ривожига таъсир қилмай қолмайди.

Мамлакатимиз учун ана шундай жуда мураккаб шароитда валюта барқарорлиги бўйича кескин ва қатъий чоралар кўриш орқали ўта муҳим, айтиш мумкинки, стратегик вазифани ҳал қилишга муваффақ бўлдик. **Яъни, ўтган йилги олтин захираси ҳажмини сақлаб қолган ҳолда, йил охирида ижобий ташқи савдо ва тўлов балансига эришдик. Энг муҳими, ишончга сазовор, тўлов қобилиятига эга эканимизни яна бир бор тасдиқлаб, бу йил зиммамизга олган барча ташқи тўлов мажбуриятлари бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишга муваффақ бўлдик.**

Учинчидан, биз учун бу йил пахтачиликда жуда мураккаб ва сермашаққат бўлганини барчангиз яхши биласиз. Мўлжалга нисбатан 800 минг тоннага яқин пахта хомашёси кам тайёрланди. Агар толага чақсак, бу тахминан 250 минг тоннани ташкил этади.

Бу ҳол кўпгина хўжаликлар ва пахтани қайта ишлаш корхоналарининг молиявий аҳволига, умуман бутун иқтисодимиз аҳволига қандай таъсир кўрсатганлигини, қанчалик зарар кўрганимизни сизлар тўғри тасаввур қиласиз, деб ўйлайман. Оқибатда анчагина ҳажмдаги валюта маблағи бой берилди.

Белгиланган режадан келиб чиқиб, йил давомида агротехник тадбирларни ўтказишга кўплаб маблағ сарфлаганимизни ҳам алоҳида ҳисоблаш лозим. Буларнинг барчаси хўжаликлар елкасига оғир юк бўлиб тушиб, уларнинг кўпчилигини жуда қийин аҳволга солиб қўйди.

Шуни ҳисобга олиб, қишлоқни молиявий қўллаб-қувватлаш, объектив сабаблар туфайли кўрилган зарарни қоплаш ва 1999 йилги янги мавсумга тайёргарлик учун зарур маблағлар топиш хусусида ҳукумат қарори тайёрланмоқда.

Муҳтарам мажлис аҳли!

Юқорида айтилганларнинг барчаси тараққиётимиз самарадорлиги ва суръатларига салбий таъсир кўрсатган ташқи омиллардир.

Энди ўзимизнинг ички муаммоларимизга алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Уларнинг ечими аввало бизнинг ўзимизга, вазифада ўтирганларга, хизмат ваколати ва таъсир этиш кучига эга бўлган раҳбарларга, қолаверса, фуқаролик бурчини тўла англаб етадиган инсонларга боғлиқ.

Мен шу ўринда олға юришимизга тўғаноқ-тўсиқ бўлаётган сабаблар хусусида яна бир бор тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, бу аввало ислоҳотларни ўтказиш суръатларига, ислоҳотларни амалга ошириш қай даражада ўз самарасини ва натижаларини бераётганлигига боғлиқ. Мен яна ва яна бир карра алоҳида таъкидламоқчиман:

биз ислоҳотларни ислоҳотлар учун эмас, шунчаки расмият учун, бажарилган иш ҳақида номига ҳисобот бериш учунгина ўтказмаяпмиз. Ҳаммамиз буни тушунишимиз шарт.

Ўзимиз учун яна ва яна бир бор аниқ англаб олишимиз зарурки, биз ислоҳотларни фақат инсон манфаатлари учун, ҳаётимизни яхши томонга ўзгартириш учун, мамлакатимизни кучли ва барқарор қилиш учун ўтказяпмиз.

Бугун бизни ислоҳотлар ўтказиш суръатлари ҳам, натижалари ҳам қониқтирмаяпти. Энг муҳими эса, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурларни амалга оширишда бепарволикка, юзакичиликка ва лоқайдликка асло чидаб бўлмайди.

Иқтисодий муносабатлар барча даражаларда, биринчи навбатда қуйи бўғинларда секин ўзгараётганлигини тан олиш керак. Биз хусусий мулк, хусусий мулк эгалари, ишлаб чиқаришни ҳиссадорлик асосида ташкил этиш ҳақида кўп гапирамиз.

Ҳақиқатан ҳам, кўпчилик ташкилотлар ва муассасаларнинг асосан шакли ва ташқи белгиларини жаҳонда эътироф этилган тушунчаларга қараб мослаштирмоқдамиз.

Ҳиссадорлик жамиятлари, корпорациялар, холдинг компаниялари, биржа ва ҳоказолар тузилмоқда. Аммо масаланинг туб моҳиятига қарайдиган бўлсак, ишни ташкил қилиш услублари ва тамойиллари, — қайси соҳада, қайси бўғинда бўлмасин, — деярли ўзгармаяпти. **Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг самараси сезилмаяпти, одамлар тафаккурида, меҳнатни ташкил қилиш, уни рағбатлантириш тизимида жуда кам ўзгариш рўй бермоқда.**

Кўп ҳолларда акционерлар ўзларини хўжайин ҳисобламайдилар, чунки амалда улар ўз корхонасини ривожлантириш муаммоларига лоқайд қарайдиган ёлланма ишчи бўлиб қолмоқдалар.

Акс ҳолда, қанчалик қатъий чора-тадбирлар қўлланаётганига қарамай:

— корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ошиб бораётганини, катта-катта айланма маблағлар қуриб битказилмаган ишлаб чиқаришга жалб қилинаётганини, ўз харидорини топа олмай омборхоналарда қолиб кетаётган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши камаймаётганини, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик, иш унуми ва иш самараси ўсмаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бу, авваламбор, корхоналар ва хўжаликлар раҳбарларининг онгида ҳамон боқимандалик кайфияти, бизга давлат ёрдам беради, танглик ҳолатидан унинг ўзи қутқариб қолади, деган тушунча сақланиб келаётганидан далолатдир. Эски замондан қолган энг ярамас асоратлардан бири — боқимандалик кайфиятидан жудо бўлиш жуда оғир кечмоқда.

Бу ерда ҳамма нарса кадрларнинг касбий малакаси, масъулияти, ташкилотчилик қобилиятига бориб тақалади. Бу, авваламбор, бошқарув соҳасида ишлаётган кадрларга тегишлидир. Биз бугунги кадрлар ишлаб чиқариш, иқтисодни ташкил қилиш соҳаларининг кун сайин ўсиб бораётган талабларига нечоғли жавоб бераётганига, уларнинг замонавий менежмент услубларини, маркетинг санъатини қанчалик эгаллаб олганларига, янги бозор муносабатлари шароитида ишлашга қанчалик қодир эканликларига холис баҳо беришимиз керак.

Агар шу нуқтаи назардан кадрларимизга баҳо берадиган бўлсак, афсуски, уларнинг кўпчилиги бугунги ҳаёт талабларига жавоб бермайди.

Шу масала билан узвий боғланган яна бир ҳал қилувчи масала — мулк масаласини ечиш. Бу ҳақда ҳам кўп гапирамиз. Мисол учун, саноат, қишлоқ хўжалиги, бошқа соҳаларни четда қолдириб, банк тизимини олайлик. Чунки ҳозирги шароитда, ислоҳотларнинг мавжуд босқичида мазмун-моҳияти, мавқеига кўра, бу ташкилот янги тизимнинг энг илғор бўғини бўлиши, бозор иқтисодиётида катта аҳамиятга эга бўлиши керак.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда банк тизими амалда локомотив вазифасини бажариши, хўжалик юритувчи барча субъектларни ўз ишларини қайта ташкил этишга, бозор механизмларини дадил ва жадал эгаллашга даъват этувчи омил бўлиши даркор.

Бугун шуни таъкидлашимиз керакки, мазкур соҳани диққат-марказида сақлаб туришимизга, бу соҳага амалий ёрдам ва имтиёзлар беришимизга қарамасдан, банк тизимида ҳақиқий ислоҳотлар юз бераётгани йўқ.

Таассуфки, бизда банклар ҳанузгача давлат ва корхоналарнинг маблағларини бир ҳисоб рақамидан иккинчисига ўтказиш билан банд, уларнинг асосий иши жорий операциялардан иборат бўлиб қолмоқда.

Банклар ўз таъсисчиларининг эркин, бўш маблағларини ўзида тўпловчи — биз орзу қилган тизимга айланган йўқ. Банклар ҳалигача таъсисчилар тимсолида намоён бўладиган ҳақиқий эгаларини тополмаяпти.

Банклар хусусийлаштирилса, унда ҳақиқий эга пайдо бўлади. У банк тақдири билан бир қаторда ўз манфаатини, шу билан бирга ўз масъулиятини чуқур сезадиган ва шу асосда иш олиб борадиган бўлади.

Афсуски, банкларимизнинг иқтисодиётни ривожлантириш, унинг тизимларини қайта ташкил этиш, миллий валютани эркин конвертация қилиш вазифасини мустақил ечадиган инвестиция ва кредит марказларига айланиши жуда суст лик билан ўтмоқда.

Бир нарсани аниқ-равшан тушуниб олишимиз керак. Бутун тараққий топган дунё қаторида, бизда ҳам аввалам-бор **ўзи топган ва жамғарган маблағларига эга бўлган,** нафақат оддий кредит беришга, балки узоқ муддатли инвестицион кредитларни беришга ҳам қурби етадиган, шу билан давлатимизнинг инвестиция жараёнида асосий субъект, аъзо бўладиган банклар пайдо бўлиши шарт.

Банкларнинг иқтисодиётни ислоҳ этиш билан боғлиқ барча жараёнларда ҳал этувчи куч эканини инобатга олсак, бу ҳол умумиқтисодиётни ислоҳ этишнинг мазмуни ва натижаларига таъсир этмасдан қолмайди.

Шуни инобатга олиб, нафақат Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, авваламбор, Пахтабанк, Галлабанк, Мевасабзавотбанк, Савдогарбанк, Саноат-қурилиш банки ва шуларга ўхшаш бошқа банкларимизнинг тақдирини яна бир бор кўриб чиқишимиз даркор.

Бу масалаларда биз авваламбор Жаҳон банкининг тавсиялари ва ёрдамига суянамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш алоҳида эътиборга молик масаладир. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир махсус дастур ишлаб чиқилди. Бу соҳадаги ислоҳотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ер кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш бўйича махсус республика ва ҳудудий комиссиялари тузилди. Ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида турли хил семинарлар ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш билан боғлиқ ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, барча масалалар йил бошидаёқ кўриб чиқилган эди. Шунинг учун ҳам, бугун ислоҳотларнинг амалда қандай бораётганини танқидий кўз билан баҳолаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Кўп айтилган бўлса ҳам, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат эканини сизларга яна бир бор эслатмоқчиман. Бу масалага бугун олдимизга қўйилган вазифалар, талаблар нуқтаи назаридан ёндошсак, фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ўйлайман.

Ислоҳотларнинг асосий мазмуни ҳал этишимиз зарур бўлган учта масалада мужассамлашган.

Биринчидан, деҳқоннинг ерга, мулкка жамоа даромадининг муайян қисмига эгалик ҳуқуқини мустаҳкамлаш шакли сифатида **мулкий пайни** жорий этиш;

Иккинчидан, ҳар бир деҳқон, хизматчининг манфаатлари билан умумжамоа манфаатларини ўзаро уйғунлаштирадиган қишлоқ хўжалик корхонасини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан энг самарали шакли сифатида **жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалик кооперативларига (ширкатларга) айлантириш;**

Учинчидан, ҳар бир хизматчининг даромади, оилавий фаровонлиги меҳнатига яраша бўлишини таъминловчи, хўжалик ичида меҳнатни ташкил этишга асосий восита бўлувчи **оилавий пудратни кенг жорий этиш.**

Мазкур вазифаларнинг амалда қандай ҳал этилаётганини таҳлил қилсак, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, биз бу борада эндигина биринчи қадамларни қўймоқдамиз.

Ҳўш, айтинглар-чи, қишлоқда ер, ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг аниқ эгалари — мулкдорлар бўлишига эриша олдикми?

Афсуски, йўқ. Мулкий пайларни шакллантириш механизмларини ўзлаштириш жуда суст бормоқда. Ерни баҳолаш, Ер кадастри билан боғлиқ муаммолар ҳалигача ўз ечимини топмаяпти.

Жорий йилда 65 та жамоа хўжалигини ширкатларга айлантиришга қарор қилинди. Белгиланган режага тўғри келса ҳам, айтиб қўяй, бу — жуда оз. Лекин гап ҳозир сон ҳақида кетмаяпти.

Жамоа хўжаликларини ширкатларга айлантириш, мулкий пай, ёппасига оилавий пудратни жорий этиш бизга нима беради — гап мана шунда. Бизнинг бу борадаги ташвишларимизни, мақсадларимизни ҳар бир киши, аввало деҳқоннинг ўзи идрок этиши, чуқур ҳис қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ишни албатта туман ҳокимлари, хўжалик раҳбарларининг ўзидан бошлаш керак. Раҳбарларимиз бу масалага одат тусига кириб қолган хўжакўрсин қабилида, тўраларча ёндошадиган бўлса, олдиндан айтиб қўяй, ишимиз юришмайди.

Аввалambор қишлоқ хўжалиги соҳасига мутасадди раҳбарларимиз ва мутахассисларимиз буни жуда чуқур англаб олишлари зарур. Бу соҳада кўзланган ислоҳотларнинг негизини, маъно-моҳиятини билмасдан туриб, раҳбар бўлишга ҳеч кимнинг ҳақи ўзи йўқ.

Шунинг учун ҳам 1999 йилнинг январь-февраль ойларида ҳар бир вилоятда қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва мазкур соҳадаги вазифаларни бажаришга доир қонун ва қарорларни ўрганиш мақсадида семинарлар ташкил этиш лозим. Энг аввало, семинар якунлари бўйича хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, ҳокимларнинг билим даражалари синовдан ўтказилсин.

Илм олиш, ўрганиш асло айб эмас, унинг эрта-кечи йўқ. Барчамиз бутун онгли ҳаётимиз давомида ўқишимиз, ўрганишимиз керак. Оғоҳлантириб қўяй, бу муҳим ишни навбатдаги кампания-бозликка айлантириб юборишга йўл қўймаслигимиз керак.

Келинглар, энди қишлоқда оилавий пудрат қандай жорий этилаётганини кўриб чиқайлик. Бу борада анчагина тажрибамиз бор. Аммо муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу муаммолар шартнома муносабатларида яққол кўзга ташланмоқда. Шартномага биноан аҳдлашувчи томонлар, яъни хўжалик бошқаруви билан пудратчи оила зиммаларига олган мажбуриятларни сўзсиз бажаришлари шарт. Ҳозирча бу ишда, афсуски, хўжакўрсинлик, юзакичилик ҳоллари жуда кўп.

Хўжалик билан муайян оила ўртасидаги шартнома ҳалигача ижро этилиши мажбур бўлган қонун ёки норма кучига эга бўлмаяпти. Кўп ҳолларда шартнома хўжалик томонидан кўнгилдагидек бажарилмайди.

Бусиз ички хўжалик муносабатлари ва меҳнатни ташкил этишнинг асосий механизми ҳисобланган оилавий пудратни ривожлантириш жуда қийин.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳақида нима дейиш мумкин? Бу соҳада ҳам бир қанча муаммолар мавжуд. Асосий масала — фермерларга сервис хизмати кўрсатиш, техника, ўғит, уруғ билан таъминлаш масалалари ҳал этилмаяпти, қишлоқда мазкур вазифани бажариши мумкин бўлган чакана ва кичик улгуржи дўконлар тармоғи яратилмаяпти.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қиладиган кооперативлар йўқ. **Юридик шахс мақоми бўлган деҳқон хўжаликларини шакллантириш,** уларга банкларда ўз ҳисоб-китоб рақамларини очиб бериш, кредит бериш жараёни жуда чўзилиб кетаётгани кечириб бўлмайдиган ҳолдир.

Ҳурматли дўстлар!

Қишлоқ хўжалигининг бош масалаларидан бири — бу хўжаликлардаги айланма маблағ масаласидир. Айланма маблағи бўлмаган хўжаликларнинг қўли кесилиб, улар узоққа боролмайди. Бундай хўжаликлар янги мавсумда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қодир эмас. Улар вақтида уруғлик, ўғит, ёқилғи сотиб ололмайдилар, ерни ва техникани экин-тикинга тайёрлашдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган барча юмушларни ўз муддатида бажаролмайдилар.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик корхоналарининг етарли миқдорда ўз айланма маблағларига эга бўлишига имконият яратиш — бошқарув тизимининг доимий иши бўлиши лозим.

Ҳўш, бунинг учун нима қилиш керак?

Биринчидан, етказиб берилган деҳқончилик маҳсулотлари учун хўжаликлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш зарур. Тан олиш керак, ҳозирча бу масала энг оғир муаммога айланмоқда.

Албатта, қишлоққа аванс беряпмиз. Жорий йилнинг ўзида пахтачилик, ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликларга марказлаштирилган ресурслардан 94 миллиард сўм аванс бердик. Албатта, бу катта пул. Мана шу маблағ туфайли қишлоқ хўжалик корхоналарининг техника, ёқилғи, электр энергияси, минерал ўғит етказиб берувчи корхоналардан қарзи анча камайди. Аванснинг бир қисми деҳқонларга иш ҳақи сифатида тарқатилди. Аммо бу иш муаммони ҳал этишнинг бир қисми, холос. Асосий масала бошқа ёқда.

Бу масалани ечиш учун, аввалambор биз ўнлаб тармоқлар, юзлаб, минглаб корхоналар иштирок этадиган **қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида ким бош бўғин эканини узил-кесил аниқлаб олишимиз керак.**

Табиийки, бу бош бўғин аввало, ишлаб чиқарувчилар, аниқроқ айтсак, хўжалик (ширкат), фермер ва деҳқон хўжаликлари **— ризқ-рўзимизни яратадиган, саноатни хомашё билан, иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ва тармоқларини эса иш билан таъминлайдиган деҳқонлардир.** Модомики, шундай экан, мазкур хизмат берувчи тармоқлар ҳам, саноат ҳам ўз навбатида қишлоққа, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга сифатли хизмат кўрсатиши шарт. Бу гап барчамизга, жумладан, банк ва молия тизими ходимларига ҳам тааллуқлидир.

Энди ҳисоб-китоблар ҳақида. Ҳамма гап шундаки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, моҳият-эътиборига кўра, йил бўйи давом этадиган узлуксиз жараёндир. Бир мавсумдаги ишлар тугамасдан, янги мавсум ташвишлари бошланиб кетади. Ўшанда шундай муаммо пайдо бўлади — янги мавсум ишларини бошлаш учун маблағни қаердан олиш мумкин?

Уруғлик, ёқилғи, минерал ўғитлар харид қилиш, дренаж-коллектор тармоқларини тозалаш, техникани тайёрлаш ишлари қайси маблағ ҳисобидан амалга оширилади? Деҳқонларга амалда бажарган иши учун ҳақ тўлаш масаласи нима бўлади?

Бунинг устига, харидористеъмолчилар, биринчи навбатда давлат тузилмалари олган маҳсулоти учун хўжаликларга ўз вақтида ҳақ тўлаб, ҳисоб-китоб қилмаган бўлса, мазкур муаммони қандай ҳал этиш мумин?

Кўряпсизми, яна боши берк кўчага кириб қоламиз. Яъни, хўжалик ўзи етиштирган ва сотган маҳсулоти учун тегишли маблағни ўз вақтида ололмайди. Бечора хўжалик нима қилади? Яна суғурта ҳисобидан юқори фоизли кредит олишга, янгидан қарзга ботишга мажбур бўлади.

Бу ерда мантиқ қани?

Бу масалани ким ҳал этиши керак?

Албатта, масала жуда мураккаб. Лекин бу муаммони айланма маблағларни молиялаштириши ва шакллантириши лозим бўлган Ҳукумат, Марказий банк, Молия вазирлиги ва бошқа тузилмалар узил-кесил ечиб бериши керак.

Биз қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бозор шароитида ишлашини, ишлаганда ҳам самарали ишлашини хоҳласак, бу масаланинг ечимини албатта топишимиз шарт. Биз қишлоқ хўжалиги бозор шароитларида ишлашини талаб қиламиз-у, бунинг учун амалда зарур шарт-шароит яратиб бермаймиз. **Бу — масаланинг биринчиси.**

Иккинчи масала — хўжаликларда оддий ҳисоб-китобни йўлга қўйишдир. Тан олиш керакки, қишлоқ хўжалигида бугунги кунда чуқур, ҳозирги замон талабларига мос келадиган ҳисоб-китоб йўқ. Шу йилнинг ўзида санация қилинган 104 хўжалик фаолиятининг таҳлили бу фикрни тасдиқлайди ва кўп масалаларда ҳушёр бўлиш зарурлигини кўрсатади.

Илгари бутунлай зарар кўриб ишлаган хўжаликлар санация қилинганидан кейинги жорий йилни, деҳқонлар учун ниҳоятда оғир келган йилни фойда билан якунлашларига нималар асосий омил бўлди?

Бунга қуйидаги масалаларни ҳал этиш орқали эришилди:

биринчидан, хўжалик бошқарувига малакали мутахассис раҳбар — ташқи бошқарувчилар келди. Бу жуда муҳим, керак бўлса ҳал қилувчи омил бўлди;

иккинчидан, вақтинча эски қарзларни тўлаш ва тўлов муддатларини узайтириш масалалари ҳал қилиб берилди, амалда хўжалик ўз фаолиятини янгидан бошлади;

учинчидан, энг муҳими, дастлабки ҳисоб-китоб йўлга қўйилди ва хўжаликларнинг молиявий жавобгарлиги кучайтирилди. Деҳқонлар ишлаб чиқарган маҳсулотларга яраша ҳақ ола бошлади;

тўртинчидан, яна бир муҳим масала ечиб берилди — санацияга тортилган хўжаликлардаги **уларнинг оёғига кишан бўлиб турган ортиқча ишчи кучини бўшатиш мумкин бўлди.** Йил мобайнида ана шу хўжаликлардан 41 минг нафардан ортиқ ишловчи бўшатилди;

бешинчидан, йилни фойда билан якунлаган санацияга тортилган хўжаликларда, юқорида зикр этилган омиллар билан бир қаторда, ишлаб чиқариш тўғри ва оқилона ташкил этилди, барча зарур агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилди;

ва, ниҳоят, бу хўжаликларда деҳқонларнинг ўз ишининг якуний натижасига бўлган манфаатдорлиги кескин ортди. Одамларда ўз ишига, яратувчилик меҳнатига қизиқиш пайдо бўлди. Бу ниҳоят даражада муҳимдир.

Шунинг учун биз қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш борасида тўпланган тажрибани ижобий баҳолаб 1999 йилда самарадорлиги паст ва зарар кўриб ишлаётган яна 150 га яқин хўжаликни санация қилиш ҳақида қарор қабул қилдик. Бу масала бўйича ҳозир махсус ҳукумат қарори тайёрланмоқда. Бу ерда ўтирган барча раҳбарлар ана шу қарорда баён этилган тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этишлари лозим.

Учинчи — илгари ҳам кўп маротаба гапирилган масалага яна қайтамиз — бу ернинг ҳосилдорлигини таъминлашдир. Мен бу масалани ерни парваришлаш, унинг маҳсулдорлигини таъминлаш деб айттан бўлур эдим.

Агар биз ернинг ҳосил беришини хоҳласак, уни асраб-авайлашимиз шарт. **Ерни қанча эъзозласанг, у сенга шунча кўп ризқу насиба бераверади.** Мен бу ўринда агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишни ҳам, суғориш ишларини ҳам, ўз вақтида ўғит солишни ҳам, дренаж-коллектор тармоқларини тозалашни ҳам назарда тутмоқдаман.

Бир сўз билан айтганда, бу агротехника ва юксак деҳқончилик маданияти демакдир. Бугунги энг долзарб масала экинлар селекциясини ташкил этиш, ирсий (генетик) жиҳатдан тезпишар, юқори ҳосилли ва касалликларга бардошли янги навларни жорий этиш, хўжаликларни сифатли уруғ ва кўчатлар билан таъминлашдир.

Тўртинчи вазифа — таъбир жоиз бўлса, юқорида айтилган барча масалаларни ҳал этадиган омил — **бу кадрлар тўғрисидаги масаладир. Қишлоқ хўжалиги бугунги кунда ерни биладиган ва ардоқлайдиган, бу соҳада ишловчиларнинг бошини қовуштира оладиган билимдон бошқарувчиларга юқори малакали мутахассис ва раҳбарларга ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ эҳтиёж сезмоқда.**

Шу ўринда биз қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқариш қандай улкан аҳамиятга эга эканига қайта-қайта иқрор бўлмоқдамиз. **Мен барча туман ва вилоят раҳбарларини мана шу масаланинг моҳиятига чуқур кириб боришга даъват этган ва керак бўлса, буни талаб қилган бўлур эдим.**

Бугун дастурни амалга оширишда муайян тармоқлар ва уларнинг раҳбарлари зимасидаги алоҳида масъулият ҳақида гапириш мумкин. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, олий ўқув юртлари, ўқув муассасалари, мактаблар, қисқаси, маориф соҳасида меҳнат қилаётган, таъкидлаш керакки, яхши ишлаётган раҳбарларнинг масъулияти ва роли ҳақида гапириш мумкин.

Лекин мен бугун ҳокимлар, маҳаллий ҳокимият вакилларининг жуда катта масъулиятини алоҳида таъкидлашни истардим.

Мен вилоят раҳбари, туман, шаҳар раҳбари, хўжалик раҳбарлари қўйингки, одамларнинг ишончига сазовар бўлган барча раҳбарларга таъкидлаб айтмоқчиман. Биз ўтказаётган сиёсатнинг рўёбга чиқиши сизнинг фаолиятингиз билан узвий боғлиқ. Сизлар комил инсон тарбияси моҳиятига чуқур кириб бориб, ўта масъулият билан ёндошмас экансиз, бу дастурни рўёбга чиқариш жуда қийин бўлади.

Мен мана шу залда ўтирганларга мурожаат қилиб айтмоқчиманки, **мазкур дастурни амалга оширувчи энг бош жонкуярлар сизлар бўлишингиз лозим.** Раҳбарлар бошқалардан кўра узоқни аниқ ва теран кўришлари керак. Биз, раҳбарларга, халқ доимо ишонч ва умид билан қарайди. Бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги эса эртага бизнинг ўрнимизга кимлар келиши, биз қандай кадрларни тарбиялашимизга бутунлай боғлиқ десак, муболаға бўлмайди.

Мен оддий, бугунги кунда ҳаммамиз учун тушунарли бўлган ҳақиқатни такрор-такрор таъкидламоқчиман. Биз бугунги ҳаётимизнинг қайси масалалари ва вазифалари ҳақида, қайси истиқболлари ҳақида гапирмайлик, бошқариш ва ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида — ҳамма нарса бугун кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалади.

Бу масалани ҳал этмасдан туриб, амалда ўз истиқболимизни кўриш мумкин эмас. **Бу охир-оқибатда бизнинг ўз фарзандларимиз, набираларимиз олдидаги бурчимиздир.** Биз уларни эртанги мураккаб, суронли ҳаётга тайёрлашимиз керак.

Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Такрор айтаман: мана шу эзгу мақсад бугунги кунда ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунига айланиши даркор.

Фарзандларимиз — бизнинг ғуруримиздир. Бу ҳар бир инсон учун тушунарли, албатта. Биз ҳақиқатан ҳам ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фахрланишни истасак — улар замонавий билим ва тажрибага эга, ийманли-эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг ишларини давом эттиришларига эришишимиз лозим.

Биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад бугунги кунда одамларнинг онгу шуурига кириб борди — биз келажаги буюк бўлган давлат ва жамият қуришни истаймиз. Ва бунинг учун бизда ҳамма асослар бор.

Лекин **ана шу мақсадга етишнинг муҳим шарти, яна ва яна таъкидлаш жоизки, бизнинг ўрнимизга келадиган авлоднинг билим савияси ва тафаккури билан бевосита боғлиқдир.**

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш, муболағасиз айтиш керакки, гуллаб яшнаган, кучли демократик давлат, фуқаролар жамиятини шакллантириш, саховатли заминимизда яшаётган одамларнинг бахти ва фаровонлигини таъминлашдан иборат бўлган, узоқни кўзлаган мақсадимизнинг моҳияти, асоси бўлиши лозим.

Келинг, энди асосий муддаога ўтайлик. Менинг сиз ҳокимларга аниқ топшириғим бор. Дастурда 1999-2000 йилларда 187 академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва 110 та шундай муассасани таъмирлаш кўзда тутилган. Лекин мен вазифани кенгроқ қўймоқчиман. Шу икки йилда биз ҳар бир туман, ҳар бир шаҳарда янги лойиҳалар бўйича энг замонавий, талабларга жавоб берадиган коллеж ва лицейлар қурамиз.

Бу андоза асосида кўплаб шундай қурилишларни амалга оширишимиз мумкин. Бунинг учун лойиҳа институтлари лицей ва коллежларнинг касб ихтисосини ҳисобга олиб махсус лойиҳалар ишлаб чиққан. Бу муассасаларнинг қаерда жойлашиши аниқлаб берилган ҳукумат қарори қабул қилинган. Кўп вилоятларда улар учун керакли миқдорда ер ҳам ажратиб берилди. Муҳими, уларни молиявий таъминлаш манбалари ани

Сўз — депутатларга



—Оила йили якунлари ҳақида сўзласангиз.

—Янги Аёллар йилидан нималарни кутаяпсиз?

Нормат ЭРМЕТОВ, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик жамияти раиси:

— Якунланаётган йил биз учун муваффақиятли кечди. Хусусан бу тармоқни ривожлантиришга хайрихоҳ бўлиб турган «Осиё банки» билан Япония ёрдам жамғармасидан мамнун бўлиб турибмиз. Уларнинг инвестиция кредитлари кўмагида йўлларимизни таъмирлаш, қуриш ҳамда вагонларни капитал таъмирлаш корхонасини барпо этиш ҳақида келишиб олинди.

Янги йил ҳаммамиз учун, аввало аёллар учун қутлуғ келади деган умиддаман.



Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси йиғилишидан лавҳалар. *Шавкат АКРОМОВ олган суратлар*



Сўз — депутатларга



Шукрулло ЙЎЛДОШЕВ:

— Сессия кун тартибидаги 22 та масаладан менимча энг долзарби — «Ўрмон тўғрисида»ги қонун лойиҳасидир. БМТнинг қишлоқ хўжалик тараққиёти ва уни ташкиллаштириш бўлимининг маълумотига қараганда 1 гектар ўрмон 50-70 тоннагача чангни тозалайди. Дунё бўйича 4 миллиард гектар (30 фоиз ер) ўрмонзор бўлса, бизда бор-йўғи 5 фоизни ташкил қилади. Бинобарин, мустақил республикамиз аҳолиси учун ҳам, давлатимиз учун ҳам табиатни муҳофаза қилиш биринчи даражали йўналишдир.

Фаррух ЗОКИРОВ:



— Келгуси йил — Аёллар йили. Шу муносабат билан болалар тарбиясига алоҳида эътибор қаратишимизни истардим. Биз, санъаткорлар учун, бу мавзу битмас-туганмас илҳом манбаи!

Ўктам РЎЗИҚУЛОВ:



— «Уй-жой кодекси» — аввалги ЖЭКлар, ЖЭУлар ўрнига хусусийлашган уй-жой ширкатларига ўтилса, қандай яхши бўлади!

Азимбой АБДУКАРИМОВ:



— Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар биргина деҳқонга боғлиқ эмас. Ҳукуматимиз деҳқонга қарзлар борасида анча енгилликлар берди. Аммо техника таъминоти, техник сервис хизматини йўлга қўйиш тезлаштирилмас экан, биз ҳозирги ғанимат ҳосилдан ютқазаверамиз. Сессияда шу муаммо ечимини кутяпман.

— Мазкур сессияга қандай кайфият билан келдингиз?

Комил САПИЕВ:



— Кайфиятим — ишчан. Белгиланган қонунлар лойиҳасини ишлашда менинг ҳам иштироким борлигидан мамнунман.

— Сессиядан сессиягача депутатларимиз тафаккурида қандай ўзгаришлар бўлаяпти, деб ўйлайсиз?

Ғайрат МАШАРИПОВ:



— Биз қонунлар билан ишлашда чархланмоқдамиз. Депутатлик меҳнати қонунларнинг қанчалик пухталигида акс этади.

— 1999 йил Давлат бюджети лойиҳасига муносабатингиз?

Мирмуҳсин МИРҲАМЗАЕВ:



— Мени айниқса ижтимоий соҳаларга — фан, медицина, маданиятга бу гал катта аҳамият берилгани қувонтиради. Ҳатто Францияда ҳам бу соҳага бюджетнинг етти фоизи ажратилар экан. Бизда эса бу кўрсаткич салкам 24 фоизни ташкил этади.

Партия сафларини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилсин!

22 декабрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон ХДП Самарқанд шаҳар кенгашининг партия сафларини мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти ҳақида»ги масала муҳокама этилди. Қабул қилинган қарорда Самарқанд шаҳар партия кенгаши партия қабул қилиш ва ўз сафларини мустаҳкамлаш бўйича муайян ишларни амалга ошираётганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ХДПга қабул қилиш масалалари шаҳар партия кенгаши ижроия бюроси, бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида мунтазам кўриб борилмоқда. Ўз сафларини янги аъзолар ҳисобидан тўлдириш борасида «Кинап» ва «Эталон» заводлари, «Ҳужум» фабрикаси, У. Юсупов ва «Каварзор» маҳаллалари, Самарқанд давлат университети ходимлари бошланғич (ҳудудий) партия ташкилотлари ва бошқалар фаоллик кўрсатмоқдалар. Иқтисодиётнинг нодавлат секторида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ХДП сафларига кирмоқдалар.

Шу билан бирга, Самарқанд шаҳар партия кенгашининг партияга қабул қилиш ва сафларини мустаҳкамлаш бўйича фаолиятида қатор камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Шаҳар партия ташкилотларида мафкуравий ишлар, «Маърифат» марказлари фаолиятини йўлга қўйишга етарли эътибор берилмаётир. 1999 йил учун партия марказий нашрларига обуна кўнгилдагидек ташкил этилмаган. Самарқанд шаҳар партия кенгашига берилган тавсияларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, партия таркибини янги аъзолар ҳисобидан мустаҳкамлашга эришиш;

партия таркиби аҳолини ижтимоий тизимини акс этишини назарда тутган ҳолда, ҳудудий партия ташкилотларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш;

моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишловчи ишчилар, муҳандис-техник ходимлар ва бошқа мутахассислар, ташаббускор кишиларни партияга жалб этишга кўпроқ эътибор бериш;

мафкуравий ишларни яхшилашнинг аниқ ва мўлжалли чораларини кўриш. Ҳамда шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд, Навоий, Тошкент вилоят Кенгашларининг навбатдан ташқари сессиялари, шунингдек, Ўзбекистон Конституцияси кунига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқларида баён этилган қоида, хулоса ва вазифаларни кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор бериш;

партия марказий ва маҳаллий нашрларига обунани ташкил этишдаги аҳволни, барча мавжуд имкониятларни ишга солиб, яхшилаш;

1999 йилни Аёллар йили, деб эълон қилиниши муносабати билан аниқ тадбирлар белгилаб, уларда хотин-қизларни партияга кўпроқ жалб этиш, уларни раҳбарлик лавозимларига дадил кўтариш бўйича фаол иш олиб боришни кўзда тутиш, хотин- қизлар қўмиталари билан биргаликда меҳнат жамоалари, аҳоли турар жойларида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишларига эришиш лозимлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

Шунингдек, Марказий Кенгаш Котибиятида партия ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўрилиб, улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ХДП хабари

Олий Мажлис XIII сессияси олдидан

Депутатларнинг анъанавий машварати

22 декабрь куни Ўзбекистон ХДПнинг республика Олий Мажлисидаги депутатлар фракцияси аъзолари парламентнинг навбатдаги сессияси олдидан анъанавий машваратга йиғилдилар.

Мажлисда ўн учинчи сессия кун тартибига киритилиши таклиф қилинаётган масалалар ва қабул қилиниши мўлжалланаётган ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг тавсиялари ҳамда фракциянинг шу ҳақдаги умумий ёндошувлари тўғрисида унинг раиси Абдулҳафиз Жалолов маъруза қилди.

Йиғилишда мамлакат молия вазири Р. Азимов Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида ахборот берди.

Маърузачи ва муҳокамаларда иштирок этган Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, 17-Самолётсозлар сайлов округидан депутат В.П. Кучеров, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси, 28-Чинобод сайлов округидан депутат Ш.И. Жалилов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири, 72-Зомин сайлов округидан депутат Азим Суюн, Бўка тумани ҳокими, 167-Бўка сайлов округидан депутат Р. К. Обидовлар Ўзбекистон Олий Мажлиси навбатдаги сессияси кун тартибига давлатимиз, жамиятимизнинг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб масалалар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети лойиҳаси, «Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси лойиҳаси тўғрисида» (иккинчи ўқишда), «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида» (биринчи ўқишда)ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида» (иккинчи ўқишда), «Ўрмон тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида», «Ноҳукумат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида» (биринчи ўқишда), «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида»ги (янги таҳрирда, биринчи ўқишда) ва бошқа ҳужжатларнинг таклиф этилаётганлигини кўрсатиб ўтдилар ҳамда уларнинг қабул қилиниши ислоҳотлар муваффақиятининг гарови эканлигини алоҳида қайд этдилар.

Мажлисда таклиф этилган лойиҳаларни, асосан, маъқуллаш билан бирга, уларга айрим қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши лозимлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда якдиллик билан қабул қилинган қарорда партиядан мамлакат парламентига сайланган депутатларга, Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг тавсияларини инобатга олган ҳолда, Олий Мажлис ўн учинчи сессиясининг таклиф этилаётган кун тартиби ва муҳокамага қўйилаётган масалаларга доир ҳужжатлар лойиҳаларини, асосан, маъқуллаш ҳамда улар хусусида фракциянинг умумий нуқтаи назарини сессияда ҳимоя қилиш топширилди.

Мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши биринчи котиби, 213-Ҳазорасп сайлов округидан депутат Ғ.Н. Машариповнинг депутатлик фаолияти ҳақидаги ахбороти эшитилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д. Гуломова иштирок этдилар.

Ислоҳотларнинг қонуний кафолати

Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси Абдулҳафиз Жалоловнинг фракция йиғилишидаги (1998 йил 22 декабрь) маърузаси

(Давоми. Боши 1-бетда)

этиш чораларини кўриш, барча соҳалардаги ишлар самарадорлигини оширишга эришиш — ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиз. Олий Мажлис XIII сессияси ана шу мақсадларга эришиш йўлида қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлишига шубҳа йўқ.

Олий Мажлис Кенгашининг мазкур сессияни чақириш тўғрисидаги қарори эълон қилиниши билан биз, ҳамишадагидек, унга тайёргарликни бошлаб юбордик. Сессия кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар юзасидан депутатларимиз ва ташкилотларимиз фикр-мулоҳазаларини тўплаш ҳамда таҳлил этишга кўмаклашувчи Марказий Кенгаш Ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳининг жойлардан юборилган ҳамда жалб этилган мутахассислардан олинган таклифларни ўрганиб чиқиши натижасида, уларнинг энг муҳим ва шу боис эътиборга моликлари Олий Мажлис Котибиятига юборилди, шунингдек, фракция йиғилиши қатнашчиларига тақдим этилди. Уларнинг айримлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар қуйидагича:

Энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида. Бизнингча, у мамлакатимизнинг ҳозирги зарурат ва имкониятларига қараб тузилган. Чунки, тегишли манбалар билан таъминланмаган, демакки, бажарилмайдиган бюджетдан халққа наф йўқ. Бюджетимизнинг муҳим томони шундаки, унда ижтимоий мақсадларга ажратиладиган маблағларнинг улуши салмоқли. Бу мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётганлигини намойиш этувчи ишончли далилдир. Шу боис, 1999 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси, асосан, маъқуллашга лойиқ. Шу билан бирга, Бюджетнинг даромадлар қисмини бажарилишини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий чора-тадбирлар тизимини пухта ўйлаш, фикримизча, фойдадан холи эмас. Чунки, Бюджетга солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ тушмаса, режалаштирилган тадбирларимизнинг бажарилмай қолиши аниқ. Давлат Бюджети даромадлар қисми 60 фоизининг маҳаллий бюджетлар ҳисобидан шаклланиши ҳамда бюджет тўловларининг талай қисми давлат ва давлат-ҳиссадорлик корхоналари улушига тўғри келишини инобатга олиб, маҳаллий ҳокимият идораларининг бу масаладаги масъулиятини ошириш, шунингдек, юқорида кўрсатилган корхоналарни молиявий соғломлаштиришга эришиш чора-тадбирларини кўриш зарур, деб ўйлаймиз. Кадрларни тайёрлаш миллий ва Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурларини жорий этишга тааллуқли маблағларни йўллашни Давлат бюджетининг алоҳида диққат-марказида тутилаётганлигини биз мамнуният билан таъкидлаймиз.

Сессия муҳокамасига қўйилиши мўлжалланаётган муҳим ҳужжатлардан бири — Ўзбекистон Республикасининг **Уй-жой кодекси лойиҳасидир**. Лойиҳа иккинчи ўқишда киритилаётганлиги учун унда умумхалқ муҳокамаси жараёнида фуқаролардан тушган кўпгина таклифларнинг инобатга олинганлиги сезилиб турибди. Шундай бўлса-да, унинг матнига баъзи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилишини истар эдик. Улар Кодексда назарда тутилган уй-жой турлари қаторига жамоавий уй-жой фондларини ҳам киритиш, ҳужжатнинг хусусий мулкчилик ҳуқуқларига зид айрим жиҳатларини бартараф этиш, баъзи моддалардаги қоидаларга аниқлик киритиш каби таклифлардан иборат.

Юртбошимиз ўзларининг Ўзбекистон Конституциясининг олти йиллигига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқларида демократик, ҳуқуқий давлатни қуриш, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишда адвокатура ва адвокатларнинг ўрни, шунингдек, бу нарсаларнинг бизда яхши ривожланмаганлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси муҳокамасига **«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»**ги Қонун лойиҳасининг қўйилиши ўта муҳимлик касб этади. Лойиҳа тўғрисида матбуот саҳифаларида жуда кўп таклиф ҳамда истаклар билдирилди ва унинг ҳозирги кўринишида уларнинг бир қисми ўз аксини топган. Биз Лойиҳани қўллаб-қувватлаш билан бирга, адвокатларнинг ҳуқуқларини бирмунча кенгайтириш мақсадида унинг айрим моддаларига қўшимчалар киритилишини истар эдик.

Сессияда кўрилиши таклиф этилаётган **«Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»**ги Қонун лойиҳасининг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамияти катта. Чунки, унинг қабул қилиниши иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришгагина эмас, балки, коррупцияга қарши курашни кучайтиришга ҳам хизмат қилади. Шуни эътиборга олиб, тадбиркорлар ҳуқуқларининг муҳофаза этилишини кучайтиришга қаратилган қўшимча қоидани Лойиҳанинг 17-моддаси иккинчи хатбошисига киритишни таклиф қиламиз.

Депутатлар эътиборига янги таҳрирдаги **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда ҳавола этилмоқда. Амалдаги Қонун қабул қилингандан буён мамлакатимизда катта ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар юз берди, демократик тамойилларнинг қарор топиши тобора кучаймоқда, ўзини ўзи бошқариш соҳасида янги тажриба тўпланди. Буларнинг ҳаммаси Қонунда ўз аксини топиши керак. Шу боис, унинг янги таҳрирдаги Лойиҳаси ишлаб чиқилиб бизга тақдим этилди. Фикримизча, Лойиҳани биринчи ўқишда қабул қилиб, уни иккинчи марта муҳокамага қўйилганига қадар, яхшилаб ўрганиб чиқишимиз учун имконият очилмоқда. Биринчи ўқишда кўриб чиқишга таклиф этилаётган **«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»**ги Қонун лойиҳаси ҳақидаги фикримиз ҳам худди шундай. Шу ўринда қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларининг сессиялар оралиғидаги умумхалқ ёки жамоатчилик муҳокамасида фаол иштирок этиш, фуқароларнинг бу ишда қатнашишига кўмаклашиш, яъни улар устида ишлашни давом эттириш, ҳам бизнинг депутатлик, қолаверса, фуқаролик бурчимиз эканлигини эслатиб ўтмоқчи эдик.

Ўзбекистон ХДП Сиёсий ижроия қўмитаси ўзининг бугун бўлиб ўтган мажлисида Олий Мажлис XIII сессияси билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиб, фракциямиз аъзоларига сессиянинг таклиф этилаётган кун тартиби ва унда муҳокамага қўйилаётган масалалар юзасидан қонунлар лойиҳаларини, асосан, маъқуллашни тавсия этди. Сиёсий ижроқўм, шунингдек, фракциямизга уюшган депутатларни парламентнинг навбатдаги сессияси ишининг юксак ташкилий ва сиёсий савияда ўтишига муносиб ҳисса қўшишга даъват этди. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, сизларни партиямиз Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг ушбу сессия кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар юзасидан тавсияларни қўллаб-қувватлашга ва бугун ишлаб чиқиладиган жамоавий нуқтаи назаримизни сессия давомида ифода этиш ҳамда, керак бўлса, уни ҳимоя қилишга чақирамиз.

Ўзбекистон парламентининг XIII сессияси мамлакатимизда оғишмай амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг ҳуқуқий заминини кенгайтириш томон қўйилган яна бир салмоқли қадам бўлади, деб ўйлашга тўла асосимиз бор.

Ушбу, халқимиз учун тақдиршумул, ишда партиямиз, унинг депутатлик фракцияси аъзоларининг ҳам жиддий улуши борлиги бизга илҳом ва куч-ғайрат бағишлайди.

Яна бир неча кундан кейин Янги, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан Аёллар йили, деб эълон қилинган, 1999 йил ҳаётимизга кириб келади. Унинг халқимиз, ҳар биримиз учун жўшқин саъй-ҳаракатлар, самарали ишлар, барчани хурсанд қилувчи баракали натижалар, сермазмун ютуқлар йили бўлишига ишончимиз комил.

Ватанимизнинг нурли келажаги, халқимизнинг бахт-саодати учун куч ва ғайратимизни аямайлик! Олижаноб ва хайрли фаолиятимизда омад бизга ҳамиша ёр бўлсин!

— Айрим оммавий ахборот воситаларида баъзи рекламалар ўринсиз берилмоқда. «Реклама тўғрисида»ги Қонун лойиҳасида бу ҳолни тартибга келтириш борасида сўз юритиладими?

Пиримқул ҚОДИРОВ:



— Менимча, Ўзбекистон ҳудудида рекламалар аввало **Давлат тилида** берилади, дейилгани бўлди. Ҳа-да, телевизорнинг шундоқ қулоғини бурасангиз зарарли нарсаларни ҳам мақташаверади. Ҳар қалай, ўз она тилингизда бўлса англайсиз, керакми, керак эмасми, биласиз-да.

— 1998 йилда ҳаётингизда қандай унутилмас воқеа рўй берди?

Турғун БОТИРОВ:



— Америкага қилган сафар чоғида қишлоқ хўжалик, айниқса фермерларнинг иш юритиш тажрибалари билан танишдик. Арканзас, Миссисипи каби бир қатор штатларда кўрганларимизни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш учун курашяпмиз.

— Сессия кун тартибига киритилган қайси масала сизни кўпроқ ўйлантиради?

Зоҳид АБДУЛЛАЕВ:



— Нотижорат ва нодавлат ташкилотлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси долзарблиги билан эътиборимни тортади. Биз қураётган демократик давлатда жамоат ташкилотларининг нуфузи тобора ортиб боради. Агар сессияда менга сўз берилса бу ҳақда айтадиган фикрларим бор.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлар ишини такомиллаштириш тўғрисидаги масалалар ҳақида қандай фикрдасиз?

Аъзам АБРОРОВ:



— Маҳаллалар фаолиятини жонлантириш, ободонлаштириш, у ерни маданий-маърифий марказга айлантириш кўп жиҳатдан маблағга боғлиқ. Катта шаҳарларда бунинг учун маҳалла фондлари ташкил этиш кўпам қийин эмас. Аммо қишлоқ жойларда маҳалла фондлари тузиш амримаҳол. Ана шу масала қонун йўли билан белгилаб чиқилса деган фикрим бор.

— «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасига муносабатингиз?

Боймурод ЮСУПОВ:

— Тадбиркорлик халқимизга ёт нарса эмас. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини кафолатлаш ўта муҳим. Мен бу Қонун ўз вақтида қабул қилинаяпти, деб ўйлайман.



Талъат УСМОНОВ:

— Тадбиркор жамиятнинг етакчи кучига айланади. Фақат унга давлат ҳимояси зарур.

— «Уй-жой кодекси» лойиҳаси бу борадаги барча муаммоларни қамраб олган, деб ўйлайсизми?

Салим ҲАБИБОВ:



— Уй-жой, мулкдорлик масаласи амалдаги қонунлар асосида ойдинлаштирилгани мулкдорнинг ҳам, давлат идорасининг ҳам ютуғи. Тўғри, изоҳ талаб жойлари бор. Кўпгина сўзлар ўзбек тилида бўлса ҳам хорижий атамаларда. Менимча, буларни тузатиш керак.

Ўзбекистон Республикаси

«КЎМИР»

акционерлик уюшмаси

Мамлакатимизнинг барча шахтёрларини, юртимизда истиқомат қилаётган бутун аҳолини кириб келаётган Янги йил билан қизғин муборакбод этади.

1999 йил — Аёллар йили. Ниятимиз шуки, халқимиз, айниқса аёлларимиз Янги йилда қувончларга тўлиб, тинч, фаровон турмуш кечирсинлар. Биз эса, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ҳамиша камарбаста бўлиб, ўз маҳсулотларимизни эзгу ишлар учун етказиб бераверайлик. Ўзбекистон халқини анъанавий байрам билан табриклар эканмиз, 1999 йил мамлакатимизда ҳақиқий ўсиш ва тараққиёт йилига айлансин. Элимизда яшайдиган барча халқларнинг дастурхони тўкин ва серфайз бўлсин!



Қатралар

Ноқобил фарзанддан, муросасиз хотиндан, қайсар хизматкордан, қари уловдан ва нафи тегмайдиган дўстдан манфаат кутманг.

Ёшликни қариликдан, саломатликни хасталикдан, бойликни камбағаликдан, хушёрликни девоналикдан афзал кўринг.

Уруғ-аймоғнинг миннати, хасисларнинг дастурхони, амалдорларнинг пешона тиришtириши, оиладагиларнинг муросасизлиги ва қарз берувчиларнинг қистовидан эҳтиёт бўлинг.

Одамнинг табиати жуда ғалати, давлати қўлидан кетса қайгуради, аммо умри ўтиб кетганига парво қилмайди.

Оламда энг мушкул иш — ўзлигингни англаш ва сиримгни сақлай олишдир.

Нодоннинг нодонлигини икки хислат айтиб туради: гапи тутуруқсиз, жавоби пойма-пой бўлади.

Душманингдан пинҳон тутган сиримгни дўстингга ҳам айтма, чунки дўстнинг душманга айланиши жуда осон.

Маст босган тиканнинг дардини сезмагандек, нодон ҳам нодонлигидан нолимайди.

Одамлар назарга илмайдиган бебаҳо фазилат — камтарликдир.

Тўпловчи Маъсуда ЁҚУБОВА

Табиат — инсоният бешиги

Қайиқчи ва денгиз

Ҳисор тоғ тизмаларидаги Тўполон сув омборига баҳор, ёз ва кузда сув тўпланади. Бу тоғликларнинг ўзига хос сув йўлига айланади. Тоғ тепасидаги ўнлаб қишлоқларни туман маркази билан боғлашда алоҳида бир халқа бўлади. Сув омбори улкан тоғлар, осмонга туташган чўққилар исканжасидаги денгизга ўхшайди.

Моторли қайиғимиз ўзича «чираниб», денгизда бир маромда сузади. Сув шишадек тип-тиниқ. Тинмай мавжланади. Қайиқ ортидан тўлқинлар қувалашади. Ёнимизда ёввойи ўрдак сузиб юрибди. Дурбинда кузатамиз худонинг бу чиройли жониворини. У гоҳ сувга шўнғийди, гоҳ тез-тез сузади. Ингичка бўйнини чўзиб, сувдан кўтарилар экан, қуёш нурида ярақлаган қанотларидан биллур томчилар ялтираб сачрайди.

Узоқдан денгиз ўртасида катта қоядан иборат орол кўринди. У ерда ўсган буталарга тоғ кузи ўз ҳукмини ўтказган. Юлғун, заранг, бодом, писта, мисвок, чикак (олчабаргак) ва бошқа ҳар хил чечаклар қовжираган. Денгизнинг икки ёни — тепасига қарасангиз, бошингиз гир айланадиган тик қоялар, қирродор тошлар. Гўё уларни афсонавий баҳодирлар тошкесар зулфиқор қиличлари билан шартшурт кесиб, бўлаклаб ташлагандай. Тупроқли соҳилларда эса кўм-кўк майса...

Бизга қарши «йўл»дан яна битта моторли қайиқ сузиб келаяпти. У бозор-ўчар қилмоқчи бўлган ёки бошқа ташвиш-юмушлар билан туман марказига тушган тоғликларни олиб кетмоқда. Уларнинг афт-ангори ҳам, уст-боши ҳам ўзгача. Биз уларга, улар бизга қизиқсиниб қараймиз. Яна битта моторли қайиқ иккита катта бочкадан мослаштириб ясалган паромни узун, йўғон троссда тортиб сузиб келмоқда. Паромнинг тепасига ёпилган брезент эскириб, у ер-бу еридан йиртилган. Паромда оғзи боғланган қоп, халталар, қўйэчкилар бор. Эркаклар бир, аёллар бир томонда, паромнинг тўрт тарафига деворсифатида ўрнатилган ўриндиқларда ўтириб олишган. Кимлардир бизга завқшавқ билан қўл силкийди.

Денгизнинг ўз сув йўли бўлар экан. Қайиқчилар ўз қайиқларини шу йўлдан четга чиқаришмайди.

Денгиздан тоққа — тоғ қишлоқларига Сариосиё тумани марказидан сотиб олинган ун, ёғ ва бошқа маҳсулотлар борса, тоғ қишлоқларидан пастга халта-халта писта, бодом, доривор гиёҳлар, дўлона келтирилади. Шу кунларда тоғликлар қиш ташвишида. Денгиздан халта, хуржун, тугунлар туман марказига машинада келтирилса, тоғ қишлоқларига отлар, эшакларда олиб чиқилади.

Қайиқчимиз бақувват, юз суяклари бўртган, қиррабурун, кўк кўзлари ёниб турган кифтдор ёш йигит. Ҳаракатлари чаққон. Ўзбекчани ширин оҳангда гапиради.

— Бу ерларда энг баланд чўққи — Қиршавор, — дейди у. — Қоядаги оқ гулни айтаяпсизми? Унинг номи — ковар. Ҳув ана у — чикак. Ёки олчабаргак ҳам дейилади. Бу ерларда сувнинг чуқурлиги саксон метргача етади. У билан ҳазиллашиб бўлмайди. Май ойининг йигирманчиларидан октябрнинг охирларигача катер ҳайдайман. Ундан кейин сув қурийди (чиқариб юборилади). Одамлар от-эшакларда қатнай бошлайди. Бир кунда бир-икки бориб келаман. Баъзи кунлари бир марта ҳам бориб келолмайман. Қайиқлар кўп бўлмаса-да, қатнайдиган одам ҳам оз. Бу қайиқни сотиб олганимга олти йил бўлди. Энди уни таъмирлашим керак.

Қайиқчимиз Хайрулло Хўжаев Кундажувоз қишлоғидан. Тўрт нафар фарзанди бор.

— Хотин қанча? — ҳазил билан сўрайди биров.

Хайрулло ҳам бурама оҳангда:

— Биттагина... ҳозирча, — дейди.

Кундажувоз — тоғлар тепасида. Қишлоқ нега бундай аталишини сўраймиз. Қишлоқ ўртасида жувоз кундасига ўхшаш ёғоч бор, ўшандан, дейди у.

— У ёғоч қаердан келиб қолган?

— Бир замонларда Самарқанддан Наврўзбой деган бадавлат киши подшонинг қаҳридан қочиб шу ерга келади. Ҳисордан ҳам бир бой келади шу ерга (У вақтларда подшолар ғазабидан қўрққанлар тоғларга қочиб беркинаркан). Наврўзбойнинг хотинини сел олиб кетади. У Ҳисорлик бойнинг қизига уйланади. Эр-хотин шу ерда манзил-макон қурадилар. Жувоз кундасини ўшалардан қолган дейишади.

Биз Хайруллодан, тоғда қишлоқлар кўпми, деб сўраймиз.

— Тоғда Кўлоб, Зевар, Заpчоб, Обинаргиз, Ҳисорак, Хўжасиддиқ, Зинчоп, Киштут, Тамархут, Хўжакўҳикалон, Кундажувоз, Вочаҳ, Зоғхона, Маланд, Карш, Мезот, Занбек, Ховад, Тамшўш, Истож, Некобод, Чош, Ҳурватан қишлоқлари бор. Мен билганларим шулар, мен билмаган қишлоқлар ҳам бўлиши мумкин. Кўриниб турган бу тоғларнинг тепасида Айғиркўл бор.

Қирғоқда биз янги-янги гиёҳларни, дарахтларни кўрдик.

— Мана бу — Туғдона, — дейди Хайрулло. — Ёғочи жуда қаттиқ. Ҳатто мих ўтмайди. Ёғочи бешик ясашда ишлатилади. Пайрахасини мих ўрнида ишлатиш мумкин. Эски замонларда ундан оёқ кийим — ёғоч ковуш ҳам ясалган. Донасини кўзмунчоқ қилиб тақиб юришади. Гўдакларнинг бешигига ҳам тақиб қўйишади. Ёмон кўзлардан, балоқазодан асрайди. Мана бу — Ҳулул. Наъматакнинг бир тури. Буниси эса Челон дарахти. Уруғи Сарписта дейилади. У хурмо билан пайванд қилинади. Шунда хурмо яхши ҳосил беради.

Хурмонинг мевасини биласиз, олмадай келади. Челон унинг айнан кичик нусхаси. Ўрикдай бор. Таъми тахир. Ҳали пишмаган. Пишса ширин бўлади, дейишди. Челонжийдани ҳам биласиз. Жийданинг каттаси. Балки шу жийда ҳам Челонга нисбат берилиб, Челонжийда дейилар.

Салим АШУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири







Юз йиллик қарағай қувур

Бошқирдистонда қувурлар ёғочданми, деб ўйларсиз. Олдинги замонларда бўлгану, ҳозир темирдан. Ҳозир қувурлар темирданлиги учун ҳам шунчалик ҳайратланарли туюлса керак-да.

Уфа шаҳар иссиқлик тармоқлари ходимлари одатдагидай мавзеларнинг «оққан», «сизган» жойларини ямлаш учун сув узатиш қувурларини кавлаб туриб, ғалати «тўсиқ»ка дуч келишди. Қарағайдан ясалган сув узатиш қувури.

Тарихчиларнинг айтишича, бу Уфа сув узатиш тармоғи 1898 йилда қурилган экан. Яна бир қизиқ томони, ёғочдан ишланган қувурлар аҳолидан йиғилган маблағ қимматбаҳо облигация қоғозларидан тушган пулга бунёд этилгандир. Қарағай қувур ўша пайтда чиқарилган 300 минг рублга 37 йил муддатга чиқарилган облигация эвазига солинган. Уфаликлар 1900 йилда шу қувурдан фойдалана бошлашган.

Афсус, облигация «ўйнама»ди, инқилоб халақит берди. Одамларнинг пули куйсаям, сув ичганлари қолди.

Қарағай қувурлар ҳануз бинойидек, мустаҳкам, бугун ҳам бемалол ишга ярайди.

Жирафа «гапирадими»

Америкалик биолог олимлар Элизабет фон Маггенталер ва Рэнди Фалк узоқ илмий кузатишлардан сўнг махсус овоз ёзиш тасмасига жирафаларнинг «суҳбатини» туширишга муваффақ бўлишди. Улар 20 герцдан паст частотада сўзлашар, шунданам одамлар эшитолмас, экан. Ваҳоланки, бир кунда бир неча юз «сўз» айтишаркан. Инфратовуш тўлқинлари билан узоқ масофадан ҳам ўзаро «сўзлашади».

Ҳаммадан қизиғи олимлар уларнинг «гаплари»да ҳатто талаффузлар борлигини кузатишди. Жанубий Каролина штатидаги Колумбия ҳайвонот боғидаги жирафалар ёки «Ривербэнкс» дагилари «Эшборо»дагиларидан бошқача талаффузда «сўзлашаркан».

Ўзга сайёраликларнинг сирини билишга кўп уринамиз. Баъзан биз билан ёнма-ён ҳайвонот оламига кўпам назар солавермагандекмиз. Аслида жонли табиат сирсиноатли. Онгсиз ҳайвонот ҳақида «тилсиз» деяверамиз. Шундай ҳам уларга шафқатсизликлар қиламиз. Ким билади, балки улар инсоннинг озоридан ўзаро «сўзлашар».

Негадир бундай кашфлар кишида жониворларга шафқат уйғотади, деб ўйлайман. Ахир қай йўсинда бўлсаям «сўзлашган» жирафа нега ёвузликни ҳис этмасин. Вақти келиб олимлар буниям кашф этар.

Шафқат керак уларга...

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади

Тошкент шаҳар Ҳамза туманида жойлашган «Тўлқин ва ўғиллари» хусусий фирмаси ўз фаолиятини

ТУГАТАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Талаба прокурор бўлмоқчи. Нега?

Газетамизнинг 10 декабрь сонида «Оқловчи! Нега оқлай олмайсан?!» сарлавҳали мақола эълон қилингандан сўнг аввалгилардан бўлиб фикр билдирганларнинг биттаси Бирмингем ҳамда Оксфорд университетларида таҳсил кўрган таниқли ёш ҳуқуқшунос олима, адвокат Гулчеҳра Маткаримова бўлди. Менимча, бу ном кўпчиликка таниш бўлса керак. Чунки, Гулчеҳра опа дуппа-дуруст қалам соҳибаси ҳам. Дарвоқе, яқиндагина унинг «Аввало инсон» деб номланган китоби ҳам ўқувчилар қўлига бориб етди. Муаллифнинг ана шу китобидаёқ ўз соҳасининг муаммоларини юракдан ўтказиб қоғозга туширишга ҳаракат қилгани кўринади. Унинг газетамиздаги мақолага дарҳол муносабат билдиришга уринганини эса ростдан ҳам шу соҳа дарди билан яшаётганидан белги деб тушундик. Шу боис ҳам баҳонада ўзимизни қизиқтирган айрим саволларга жавоб олишга ҳаракат қилдик.

— Гулчеҳра опа, ҳозиргина бизга ўзингиз тан олиб гапирганингиздек, ҳуқуқ-тартибот соҳасида муаммолар анчагина. Аммо, айта оласизми, судда кўрилаётган бирон-бир жиноий ишда адвокат сифатида иштирок этаётиб кўнглингиздан нималар ўтади?

— Бундай пайтда кўпинча икки хил туйғу орасида қоламан. Аввало, оқловчи сифатида кимнингдир ҳуқуқларини ҳимоя қилаётганим, инсонларга нафим тегаётганидан ғурурлансам, бошқа томондан айрим қонунларнинг кўнгилдагидек ишламаётганини, баъзи прокуратура ва милиция ходимларининг инсон ҳуқуқига тўраларча муносабатини, судьяларнинг эса бундай бир тоифа «ҳуқуқ посбонлари» тайёрлаб берган чала, пала-партиш айблов хулосасига кўр-кўрона эргашишларини кўриб эзилиб кетаман, қалбим ларзага келади. Яқинда босмадан чиққан китобимни ҳам кўнглимда кечган ана шу изтиробларнинг натижаси деса бўлади. Ахир, инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиши керак бўлган органларнинг лоқайд ходимлари уни паймол қилиб турса дардингни кимга айтасан? Бу аҳволда энг эзгу мақсадли одам ҳам паймол этилаётган ҳақиқатни ҳимоя қилиш учун жиноят йўлини танламаслигига ким кафолат беради?

— Ўтган сафарги мақоладан, тўғрироғи, Файзулла Ашуров билан қилган суҳбатимиздан адвокатурамизнинг аҳволи анча ночор деган хулоса келиб чиқди...

— Ҳа, ҳақиқат шундай. Аммо, адвокатнинг мавқеини кўтариш ҳақида гап кетса суд, прокуратура, милиция ходимларининг айримлари писанда қиладилар. Лекин, уларга битта савол бергим келади, эртага ўша адвокат сенинг ўзингга керак бўлиб қолмаслигига кафолатинг борми? Тўғриси, мен бундайларни ўзгалар ҳуқуқини бузишга, поймол этишга, назар-писанд қилмасликка ўрганган машина деб биламан, машинаки, ўзиникини билмайди.

Яна бир муҳим масала борки, кўпинча судьяларга «юқори»дан қўнғироқ тушади, ёки баъзи прокуратура ходимлари томонидан огоҳлантирилади: «бу назоратдаги иш!» Судьялар эса ҳайрон. Адвокатларнинг дод-войику ўзидан нарига эшитилмайди. Аммо, ким у назорат қилувчи? Наҳотки, судьялар ҳукм чиқаришда мустақил эканлигини билмасалар? Судьяга ҳукм чиқариш ёки оқлаш ҳақида буйруқ

Барчани баробар янчиб кетаверади.

Энг ёмони, бугунги бир тоифа ёш талабаларда ҳам адвокат бўлишга хоҳиш йўқ. Улар фақат прокурор ёки судья бўлишни истайди. Лекин, қанийди бу истак самимий, мусаффо бўлса. Кўпинча уларнинг хаёлида пул ишлаш, сўзи ўтадиган амалдор бўлиш орзуси ётади. Аммо, қандай қилиб? Мана бу энг оғир савол. Улар била туриб ўша жойни орзу қилмоқдалар. Пулу мансабдан бошқасини танимайдиган амални.

бераётган бу кўзга кўринмас одам ёки ташкилот қаердан пайдо бўлган ўзи? Афсуски, буларнинг бари жавобсиз қоладиган, тўғрироғи, жавобсиз қолиб келаётган саволлар.

Судьялар эса мазкур амалиётга кўникиб қолдилар чоғи, бундай ўринсиз назоратни синдириш, ўз конституцион ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилмай қўйишган чоғи. Адвокатларнинг гапига эса ҳеч ким қулоқ солмайди. Адвокатнинг машаққат билан тўплаган ҳужжатларига биров эътибор бермаётган пайтда прокурор жараёнда тўлиқ қатнашишни ҳам ўзига эп билмайди. Айтгани-айтган, дегани-деган бўлишига ишончи комил. Кўпинча эса, у жараён охиридагина келади ва айблов хулосасини ўқиб беради. У хоҳласа иш билан танишмаган ҳолда ҳам судга келиши ёки унга бирров кўз югуртирибоқ хулоса бераверишимумкин.

Хуллас, бу борада бугун муаммолар кўп. Уларни эса ҳал қилиш жуда ҳам зарур. Бу фақат бизнинг эмас, ҳаммамизнинг муаммомиз аслида. Бироқ, билмадим, бизда Президентнинг шахсан ўзи аралашмагунча бирор муаммо ўз ечимини топиши қийин, шекилли. Бирон муаммони жиддийроқ кўтаришга ҳаракат қилсанг, дарҳол турли тўсиқлар пайдо бўлади. Масалан, бундан ярим йил олдин ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги муаммолар, суд тизимини реформа қилиш, адвокатнинг мавқеини жараёнинг бошқа қатнашчилари мавқеи билан тенглаштириш ҳақида ёзганимизда газетада чоп этишда жуда кўп баҳслар, юзага келди. Яхшиямки, Президент адвокатларга алоҳида эътибор қаратгани боисми, озгина силжиш сезилгандай бўлмоқда. «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги янги қонун қабул қилингач балки бу ҳаракатлар, фикр-мулоҳазалар амалда ўз ифодасини топа бошласа ажаб эмас.

— Сиз яқинда узоқ Италияда бўлиб қайтдингиз. Сафардан кўзланган мақсад, умуман, таассуротлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Ҳа, яқинда мен Европанинг бир нечта шаҳарларида, хусусан Италияда ҳам бўлиб қайтдим. Сафарга боришимнинг сабаби ҳам жуда қизиқ. Гапни узоқдан бошлайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида ҳам мигрантлар ва қочоқлар билан шуғулланувчи махсус орган ёки ташкилот тузиш вақти етилиб қолди, чамамда. Чунки, республикамиздаги кириш, чиқиш ва фуқаролик ишлари билан шуғулланувчи ҳодимлар бугун барча жараёнга улгурмаяптилар. Ўзбекистон эса «Қочоқ мақоми» ҳақидаги 1951 йилги халқаро Конвенцияга ҳамда унга қарашли 1966 йил Протоколига ҳам қўшилмаган. Демак, бизда бу халқаро ҳужжатларни қўллаш имконияти йўқ. Бундай вазиятда эса давлатнинг ўз қонунини ёки, ҳеч бўлмаса, вақтинчалик бирон ҳужжатни қабул қилиши тақозо қилинади. Бугун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг бу борадаги юмушлари етарлича. Лекин, қонун чиқарувчи мутасаддилар бир нарсани инобатга олишлари керак, қочоқлар бўйича қонун ёки вақтинчалик бошқа бирон ҳужжат қабул қилиш қанчалик орқага сурилса милиция ва прокуратура ходимларининг бу борадаги иши шунчалик оғирлашаверади ва ҳуқуқ бузилишига олиб келаверади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 223-моддаси чегарани бузиб ўтган шахсларга нисбатан қўлланилиши керак. Аммо, чегарани бузиб ўтган қочоқларгачи? Айни шу модданинг учинчи қисми бундай шахсларга нисбатан ушбу моддани қўллаб бўлмаслигини таъкидлайди. Бу масалага ойдинлик киритиш учун эса махсус қонун қабул қилиниши лозим. Бироқ, қочоқлар ҳақидаги қонунни қабул қилсак қочоқларнинг барчасини қабул қилишга мажбур бўламиз, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Қонуннинг мавжудлиги давлатимизнинг обрўсини демократик жамоатчилик олдида яна ҳам кўтаради.

Мен Италиянинг Сан-Ремо шаҳрига инсон ҳуқуқлари, шу жумладан қочоқлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш муаммоларига бағишланган халқаро семинарда иштирок этиш учун борган эдим. Бу семинар Сан-Ремодаги Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқлари институти томонидан ташкил этилган бўлиб, мени қочоқ ҳуқуқини судда ҳимоя қилган адвокат сифатида Юридик институт ҳамда БМТ орқали таклиф қилишди.

Нурбек ТОШНИЁЗ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳуқуқий мулоҳаза

АКАШЕКС



Ўзбекистон халқларининг
бахту иқболи
Янги 1999 йилда ҳам
нурафшон бўлсин!
Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний ва
Амир Темур каби улуғ боболаримиз руҳи ҳаммамизга
мададкор ва илҳомбахшдир.

«NATIONAL ELECRONLCS, INC.»,
AMERICA UZBEKISTAN
шўъба корхонаси

Мустақил Ўзбекистон
Республикасининг
барча халқларини
Янги — 1999 йил билан
чин қалбдан
муборакбод этади!

Янги йилда ўз мустақиллигининг
8 йиллиги ва Аёллар йилини
нишонлайдиган улуғ мамлакат халқи
бахт-саодатли бўлсин, оилангиздан
тинчлик-тотувлик ва барака
аримасин!

Авторекордлар



Енгил автомобиллар ичида энг оғири «ЗИЛ — 4107» бўлиб, 7 ўринлик бу машина 3 тоннадир. Унинг двигатели 315 от кучига эга, тезлиги соатига 200 километр. Ундан ўқ ўтмайди.

* * *

Узунлиги 30 метр бўлган 26 ғилдиракли лимузин америкалик муҳандис Дже Орберг томонидан яратилган. Бу машинада хизмат хонаси, ошхона, сузиш бассейни, икки кишилик каровати, вертолёт учун қўниш майдони бор.

* * *

Англияда энг енгил автомобиль яратилган. У атиги 95 килолик тош босади холос. Двигателининг ҳажми 2,5 сантиметрни ташкил этгани ҳолда соатига 25 километр тезликда юролади.

* * *

Ута қимматга тушган машина 1968 йили АҚШ Президенти учун махсус яратилган «Линкольн континентал»дир. Бу бронемашинанинг узунлиги 6,5 метр, оғирлиги 5,5 тонна, шундан 2 тоннадан ортиғи броне қатламни ташкил этади. Унга 500 минг долларлик маблағ сарфланган.

* * *

Энг қимматга сотилган автомобиль эса И. В. Сталин хизматидаги «ЗИС — 115» русумли ўқ ўтмас машинадир. 1990 йилнинг охирида Австриянинг «Шерц» фирмаси томонидан Венада уюштирилган ким ошди савдосида уни япониялик бир коллекционер тахминан 1,5 — 2 миллион долларга сотиб олган. Бу соҳибнинг исми ва сотиб олинган суммани аниқ айтолмаслигимизга сабаб, бу олди-сотди ўта махфий сир тутилган.

* * *

Калькутталик Муҳаммад Салауддин рафиқаси Нина билан Ер шарини автомобилда энг қисқа муддатда — 69 куну 19 соату 15 дақиқада айланиб чиқишган. Улар 1989 йил 9 сентябрда Дехлидан йўлга чиқиб 17 ноябрда яна шу шаҳарга қайтиб келишган. 6 қитъа ва 25 мамлакат кезиб (40075 километр масофа) чиқилган.

* * *

Австралиялик Бен Карлин эса Ер шарини автомобиль-амфибияда айланиб чиққан ягона киши ҳисобланади. У қуруқликда 62765 километр, сувликда эса 15450 километр масофани босиб ўтиб, 1951 йил 24 август куни Ла-Манш бўғозида саёҳатини муваффақиятли якунлаган.

* * *

«Заправка»сиз энг узоқ масофани (2095 километр) ирғол этганлар ҳам австралияликлардир. Икки фуқаро 1988 йили «Тойота» фирмасининг «Ленкрузер» деган енгил машинасида соатига 67 километр тезликда юришган. 100 километрга 9 литр ёнилғи сарфланган.

Жаҳонгашта йигит

Саёҳат — танга роҳат

Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида журналистларнинг жаҳон бўйлаб велосипедда саёҳатга чиққан Хорст Шад билан учрашуви бўлди. Ушбу саёҳат 1998 йил 2 майда Германиянинг Ашаффанбург қишлоғидан бошланганди. 2000 йилда Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинлари очилишида ниҳояланади. Хорст Шад ўзининг махсус ишланган велосипедида — Австрия, Италия, Греция, Туркия, Сурия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон, Туркманистон орқали Ўзбекистонга кириб келди.

Германия-Ўзбекистон орасидаги масофа 16 минг километрни ташкил этади. Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Непал, Ҳиндистон, Бутан, Бангладеш, Бирма, Лаос, Вьетнам, Камбоджа, Тайланд, Малайзия, Индонезия, Бруней, Сингапур каби жами 32 мамлакатлар орасидаги йўлларни босиб ўтиши керак.

Зеро, бундай саёҳатчини «Олимпиада элчиси» деб бежиз айтишмайди.

Ушбу веломарафонга 2 йирик ҳомийлар — Германиянинг «Телеком» алоқа фирмаси текинга алоқа ўрнатиш учун имкон яратиб берган бўлса, «Луфтганза» авиакомпанияси велосипедчи тўхтаган шаҳарга унинг юкини текинга элтиб беради. Одатда веломарафон харажати бир ойда 800-1000 немис маркасини ташкил этса, бундай махсус лойиҳа асосида уюштирилган саёҳат бир ойда 10-15 минг немис маркасини ташкил этаркан.

Илгари муаллим бўлиб ишлаган Хорст ўз ишини ташлаб, 35 ёшида жаҳонгашталикка аҳд қилган. Бу бўйдоқ саёҳатчи дунё кезиб, балки ўз умр йўлдошини топиб олса ажаб эмас...

— Велосипеддан келажакда ажралмасам керак. Чунки велосипедим туфайли юрт кездим. Шулардан «Буюк Ипак йўли» давомчиси ҳисобланган Самарқанд ва Бухоро менда катта таассурот қолдирди. Юртингиз гўзал ва бетакрор, халқингиз — меҳмондўст экан. Бухоро мен кўрган бешта энг гўзал шаҳарлардан бири ҳисобланади.

Сиднейда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинлари очилишига ўз вақтида етиб боришга ҳаракат қиламан, — дейди саёҳатчи Хорст Шад.

Оқил АБДУАЗИМОВ,
ТошДУ талабаси

Дунёда нечта тил бор?

Бу саволга аниқ жавоб бериш мушкул. Жаҳон тилларининг сони хусусида манбаларда турлича маълумотлар келтирилади.

Олимлардан Ф.Финк жаҳонда жами 2250 та тил борлигини айтса, А. Реформатский 2500 хилдан зиёд тил мавжудлигини ёзади. Дунё тилшуносларининг йигирма саккиз йил муқаддам Испаниянинг Аликанта шаҳрида бўлган халқаро анжуманида жаҳонда 2976 хил тил борлиги қайд этилган.

Бу сатрларни ўқиб туриб «дунёда қанчадан-қанча олим, тилшунос, тарихчи, этнограф ва аҳолишунослар бўлса-ю, наҳотки, ер юзида қанча тил борлигини ҳисоблай олишмаса?», деб ҳайратланишингиз мумкин.

Гап шундаки, тилларни аниқлашнинг бир қанча мушкулликлари мавжуд. Аввало жаҳоннинг бир қанча ерларида икки-уч халқ бир тилда гаплашса, айрим жойларда эса бир халқ икки-уч тилда сўзлашади. Шунингдек, тил билан шева фарқини белгилашда ҳам анчагина қийинчиликлар мавжуд. Мамлакатимиз халқлари эса 132 тилда гаплашадилар.

1975 йилда олинган маълумотларга қараганда, хитой (800 миллион киши шу тилда гаплашади), инглиз (350 миллион), рус (240 миллион), испан (210 миллион), ҳинди ва унга яқин урду тили (200 миллион), индонез (130 миллион), араб (127 миллион), бенгал (125 миллион), португал (115 миллион), япон (111 миллион), немис (100 миллион), француз (90 миллион) тиллари дунёда кенг тарқалган тиллар жумласига киради. Ер юзидаги аҳолининг учдан икки қисми ўзаро алоқада жуда кенг тарқалган ўн уч тилдан фойдаланади.

Ҳамма мамлакатларда ҳам ўша мамлакат номида тил бўлавермаслигини биласизми? Масалан, Америкада «америка тили», Бельгияда «бельгия тили», Чилида «чили тили», Аргентинада «аргентина» ёки «мексика тили» бўлмаганидек, Швейцарияда ҳам «швейцария тили» йўқ. Шу мамлакатнинг ғарбий вилоятларида французча, Тессинда итальянча, кўпчилик вилоятларда эса немисча сўзлашадилар.

МДҲ миқёсида туркий тиллар оиласи 25 дан ортиқ тил ва шевани (шу жумладан, ўзбек тилини ҳам) ўз ичига олади. Бу тилда бошқа ватандошларимиз билан бирга қарийб 30 миллионга яқин киши гаплашади. Шу жиҳатдан туркий тиллар славян тилларидан кейин иккинчи ўринда туради.

Наргиза НОРМАҲМАТОВА,
ТошДУ журналистика факультети талабаси

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 24 dekabr, payshanba № 154 (24.391).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Айлин гида санаи компанияси

Янги 1999 йилингиз қутлуғ бўлсин!

Янги йилда Ўзбекистон Республикаси халқларининг ҳар бир куни ёруғ ва баракали бўлсин!

Азалий жондош ва қондош ўзбек ва турк халқлари биродарлиги абадий бўлсин!

Aylin Kremali

Кулгудан олам яшарар

Француз, инглиз ва рус аёллари эрларининг феълатворини муҳокама этишарди.

— Менинг эрим ўта мулойим ва буғудай ҳуркак, — француз аёл ҳис-ҳаяжонини яширолмасди.

— Меники бўлса, бақувват, абжир ва олижаноб, мисли кийикдай, — ғурур билан гапирарди инглиз хотин.

— Мен эса ўзимникини нима дейишгаям ҳайронман, — деди рус аёли. — Ҳўкизга ўхшайди, ҳа, худди ўзи!

* * *

— Тунни қаерда ўтказасан?

— Уйда, хотиним билан.

— Буни муҳаббат деса бўлади.

— Жин урсин, бу бод-ку.

* * *

— Нега бунча ташвишли кўринасан?

— Иш, иш. Айланиб-ўргилиб иш. Тонгдаям, тундаям шу.

— Анчадан буён шундай ишга шўнғиб кетдингми?

— Эртадан бошласам кераг-ов...

* * *

— Хиёбон бўйлаб ипарқонга ўралиб-чирманиб олган эркак борарди. Уни полициячи тўхтатди.

— Нима гап?

— Ўзимни осмоқчиман. Хотиним ташлаб кетди.

Полициячи яна деди:

— Арқонни томоқдан сириб боғлаш керак.

— Қилиб кўрдим? Унда бўғилиб кетяпман.

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»



Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб бормоқдамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.

Фамилияси: *Сайдуллаева*

Исми: *Зайнабхон*

Отасининг исми:

Қачон, қаерда туғилган: *1891 йил Наманган вил. Наманган тум. Ирвадон қишлоғи*

Ҳозир қаерда яшайди: *Шу манзилда*

Узоқ умр кўришнинг сири: *Соғлик, оиладаги тотувлик* (қисқа баён этилади)

Юз ёшнинг хулосаси: *Кексалар ила файзли элим* (қисқа баён этилади)

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнггида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

Ал-ҳазар

Қутурган ит касофати

Яқинда Қизириқ туманида яшовчи Чори бобо оламдан ўтди... қутуриш касаллиги ила жон таслим қилди...

Чори бобо эсини танигандан буён ҳалол меҳнат қилди: бир умр колхозда сувчилик қилди. Хонадонида ҳар хил паррандаларни кўпайтирди: товуқ, курка, ғоз, ўрдак боқарди...

Ярим тунда уларнинг чағиллаган овозини эшитгач, Чори бобо югуриб ташқарига чиқди. Бир ит ўзини катак симтўрига урарди. Ҳайдамоқчи бўлганда ит Чори бобони енгини қопиб, бироз тимдалашга улгурди ҳам. Аммо белдаста зарбидан ғингшиб қочиб кетди.

Орадан бир ойча вақт ўтди. Чори бобо ўзини ёмон ҳис қила бошлади. Уни маҳалла раиси машинасига миндириб, туман марказий касалхонасига олиб келди. Чори бободан жароҳат сабабларини сўрашганда, «дарахтдан йиқилдим, юзимдаги, оёғимдаги яралар ўшандан» деб алдади. Касал шифохонага ётқизилди, шифокорлар унинг гапига чиппа-чин ишонишди. Аммо орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан бу оғир дард — касаллик ўз кучини кўрсатди. Кўзлари бежо, ҳаракатлари ноқулай Чори бобо палатада бирга ётган касалга дабдурустдан ташланиб, тишлаб, уни тимдалай бошлади. Хонадан бақириқ-чақириқ эшитилди. Ҳамшираю, ҳакимлар йўлакда югуриб қолишди...

Жаноза куни СЭСдан врачлар келиб уйни дорилашди, майитни ювмай кўмасизлар деб марҳумнинг қариндош-уруғлари билан мунозара қилишди ҳам. Лекин...

Чори ПАРДАЕВ

Оқар сувнинг қадри бўлса

Тошкентнинг «Тўқимачилик» комбинати бекатида ҳаммага маълум велосайёҳ Мурод Қосимовнинг аёли Матлубахон билан унинг саккиз ёшли ўғли Азаматни учратиб қолдим. Уларнинг қўлида 5-6 та «кола» идиши тўла сув.

— Мана шу сувга ўрганиб қолганмиз. Фойдаси кўп-да. Лекин Мурод аканинг қадрлари ўтяпти. Боиси, ўзлари таъминлаб турардилар. Шу баҳона Мурод Қосимовни Тўқимачилик комбинати тиббиёт-санитария бўлими ҳовлисида ер қаъридан сизиб, қувурдан отилиб ётган сувдан ичиб юриши ёдимга келди. «Бу сув мўъжизанинг ўзгинаси. Ичиб юрганга нафи тегади», такрорларди.

Дарвоқе, Мурод Қосимов оиласида ивитилган буғдойни наҳорда истеъмол қилиб, маъданли сувни ичиб юриш одатга айланган. Шунданми улар шамоллаш, тумов, йўталиш,ошқозон оғриғи нималигини билишмайди.

Бу гаплар бежиз эмас. Фикрни илмий асослаш учун Тошкент Тўқимачилик комбинати тиббиёт-санитария бўлими бош шифокорининг ўринбосари Ольга Малининага мурожаат қилдик.

Аввало шуни айтиш керакки, — дея гап бошлади у, — бу маъдан сувининг манбаи топилиб, ундан фойдаланила бошлаганига 50 йил-

Мулоҳаза

дан ошди. Шифо масканимизга эса мана шу сув баҳона асос солинган. Сувнинг таркибида калий, натрий, магний, кальций, хлор, сульфат, гидрокарбанат ва бошқа маъданлар мавжуд. Сув ошқозоничак, сурункали геппатит сингари хасталикларни даволашда қўл келади.

Мутахассиснинг эътирофича салкам икки километрлик чуқурдан чиқадиган сувнинг ҳарорати 40-45 даража бўлиб, илгари шифохонада беморлар маъдан ванна қабул қилишган. Вақт ўтиши билан қувурлар яроқсиз ҳолга келиб, бу ишлар ўз-ўзидан тўхтаб қолган.

Маъдан суви билан боғлиқ айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Аввало шуни айтиш ўринлики, ноёб сув отилиб чиқаётганига қарамай, шифохонада ундан фойдаланиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Аммо ваннахоналарга янги қувурлар тортиш имконияти бўлмаяпти. Сувни бежирим идишларга қадоқлашга қизиққан тадбиркор ҳам йўқ. Ҳеч бўлмаса бу ернинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш устида ўйлаб кўрилса бўлармиди. Сувни эса билиб-билмай ичаётганларнинг кети узилмайди. Балки, сувдан фойдаланиш ҳақидаги тавсияномани илиб қўйиш керакдир. Шу соҳанинг бошқа мутахассислари билан ҳам мулоқотда бўлишга тўғри келди. Улар ҳам бу маъдан сувининг хосиятини эътироф этишди. Ҳатто улардан бири «шу сув манбаи чет элда бўлганида борми...», деган гапни қилди. Ҳа, оқар сувнинг қадри бўлгани яхши.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ

Гугурт қандай пайдо бўлган?

Турмушда энг кўп ишлатиладиган, оловни «уйғотадиган» гугуртни франциялик олим Ш. Сориа 1831 йили ихтиро қилган. У бертоле тузи билан олтингугурт аралашмаси бирон нарсага қаттиқ урилса, портлаб кетишини яхши биларди. Бир куни 19 ёшли бу ихтирочи аралашмага «қани нима бўларкин», деб оқ фосфор қўшди. Ҳосил бўлган массадан чўпга сурдида, қуригач, қаттиқ бир буюмга ишқалаган эди, аланга олди. Шундай қилиб инсоният тарихида илк марта гугурт яратилди.

Биз осонгина ёқадиган гугуртни тайёрлаш жараёни анчагина мураккаб. Гугурт чўпининг уч қисмидаги ёнадиган модданинг ярмиси бертоле тузи ва натрий бихроматдан иборат оксидловчи моддалардир. Уларнинг таркибидаги кислород юқори ҳароратда осон ажралади.

Гугуртнинг муҳим «қисм»ларидан бири унинг фақат тоғтеракдан тайёрланадиган чўпидир. Чунки, гугурт чўпига ишлатиладиган ёғочда мутлақо сақич бўлмаслиги керак. Сақичли ёғочнинг тез ёнувчанлиги ва ундан чиқадиган бадбўй тутун хавфли ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда ёнганида ўзидан 1500 даража иссиқлик чиқарувчи гугуртлар бор. Бундай гугуртлар билан ҳатто металларни, жумладан, узилган телефон кабелларини осонгина пайвандласа бўлади. Ниҳоят, даладаштларда, тоғларда, юрадиган геологлар, қурувчи, сайёҳ ҳамда овчиларга мўлжалланган нусхалари ҳам бор. Хусусан, овчилар ишлатаётган гугуртлар шаррос қуйган ёмғирда, шунингдек қаттиқ шамолда ҳам ёнаверади.

НАРГИЗА тайёрлади

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимиятидан рўйхатдан ўтган «Илмфантехника» жамоа корхонасига Статистика давлат департаменти томонидан 1998 йил 08.07.да берилган 1470 сонли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат техника университети томонидан 1996 йилда Тошбоев Холмурод Норқулович номига берилган № 151920 рақамли олий маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳридаги «Ал-Захира» акциядорлик жамияти номига Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан 1996 йил 25 июлда берилган № АО-К/961 рақамли ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Юсуф ЖЎРАЕВ,* навбатчи *Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматида, 20.025 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади

Г — 0592

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 2 : 30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА